

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

**Магистратура бўлими
“Молия ва суғурта хизматлари” кафедраси**

“Ҳимояга тавсия этилди”

Кафедра мудири, проф.

_____ Ж.Р.Зайналов

Баённома № ____ 2019 йил ____ май

***5A230601 – Давлат молиясини бошқариш
мутахассислиги йўналиши***

**МДМ-117 гуруҳ талабаси Сатторов Шахбознинг
“Қорхоналарни модернизациялаш орқали
уларнинг молиявий барқарорлигини
мустаҳкамлаш йўллари (“Dastbakor Baraka” МЧЖ
маълумотлари бўйича)” мавзусидаги**

Магистрлик диссертацияси

Илмий раҳбар: доц.в.б. З.Ж.Расулов

Илмий маслаҳатчи: и.ф.д., проф.Н.А.Ибрагимов

Мундарижа

Кириш	3
I БОБ. Корхоналарни модернизациялашнинг молиявий стратегияси, уни ишлаб чиқишнинг назарий жиҳатлари	
1.1. Корхоналарни модернизациялашни молиявий стратегиясини шакллантиришнинг зарурияти.....	11
1.2. Корхоналар молиявий барқарорлиги тушунчасининг назарий асослари.....	18
1.3. Молиявий барқарорликни корхонада молиявий стратегик мақсадларини амалга оширишдаги аҳамияти.....	24
II БОБ. Корхоналарни модернизациялаш орқали уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга таъсир этувчи омиллар	
2.1. Корхоналарни молиявий барқарорлигини таъминлаш омиллари.....	28
2.2. Корхоналарни молиявий барқарорлигини таъминлашда ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларнинг таъсири.....	39
2.3. “Dastbakor Baraka” МЧЖни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш орқали молиявий барқарорлигини таъминлаш.....	46
III БОБ. Ҳозирги шароитда корхоналарни модернизациялаш орқали уларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш истиқболлари	
3.1. Корхонанинг молиявий барқарорлигини мақсадга йўналтириш стратегияси.....	52
3.2. Корхонанинг молиявий барқарорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни тартибга келтириш йўллари.....	59
3.3. Корхоналарни модернизациялаш орқали уларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш истиқболлари.....	65
Хулоса	73
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	76

Кириш

Мавзунинг долзарблиги ва ахамияти. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрда Олий Мажлисга Мурожаатномасида иқтисодиёт соҳасида олдимизда турган вазифалар ҳақида гапирганда, аввало кенг қамровли иқтисодий ислохотлар негизида маълум бир мақсадлар мужассам эканини қайд этиш лозим. Шулардан бири иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш орқали юқори иқтисодий ўсишни таъминлаш, деган фикрни илгари сурган эдилар¹. Бундан кўришиб турибдики, мамлакатда иқтисодий ўсишни таъминлаш бевосита хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини модернизациялашдан бошланади. Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш Стратегиясининг концепциясида ҳам иқтисодиётнинг барча соҳаларини тараққий эттиришда асосий эътибор уларни модернизациялашга қаратилган².

Сўнги йиллардаги жаҳон иқтисодиётида корхоналарни модернизациялаш борасида юз бераётган ўзгаришлар корхоналарнинг молиявий барқарор ривожланиш тушунчасининг назарий методологик масалаларига эътиборни янада оширишни талаб қилмоқда. Зеро, молиявий барқарор ривожланиш тушунчасини кенгроқ тадқиқ этиш уни минтақавий, ижтимоий-иқтисодий, экологик тизимларда жорий этишнинг оқилона механизмларини ишлаб чиқишга йўл очади.

2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясининг учинчи асосий йўналишида ҳам корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни жадаллаштириш, замонавий инновацион технологияларни жорий этиш, иқтисодиётга таркибий ўзгаришлар ва диверсификациялаш жараёнларини кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор берилган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталарига Мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабрь.

² Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш Стратегиясининг концепцияси. 2018 йил 29 декабрь.

Корхонанинг молиявий барқарорлигини оширишда уни модернизациялаш билан бир қаторда молиявий стратегиясини ишлаб чиқиш ҳамда молиявий барқарорлигини ифодаловчи умумлашган кўрсаткичларни баҳолаш ва унга таъсир этувчи омилларни ҳисоблаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ушбу жараённинг асосий мақсади бўлиб, бевосита корхоналарнинг молиявий барқарорлигини ифодаловчи умумлашган кўрсаткичларга таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ҳисобланади. ана шундай кўрсаткичлардан бири – айланма маблағлар ва улар билан боғлиқ бир қанча омилларнинг ҳисоблаш усули аниқ мисоллар билан кўрсатиб берилган. Худди шундай бошқа гуруҳ омиллар таъсирини ҳам ҳисоблаш мумкин. Зеро, таҳлил қилинган айланма маблағлар билан боғлиқ омиллар ҳисоб-китоблар бошқа гуруҳ омилларни ҳисоблаш учун методологик асос бўлиб ҳизмат қилади.

Корхона молиявий барқарорлигининг умумлашган кўрсаткичини таҳлил қилиш ушбу кўрсаткични аниқлашдан бошланади. Бу таҳлилнинг биринчи бошланғич босқичидир. Навбатдаги босқичда ушбу кўрсаткичга алоҳида омиллар таъсири ва улар ўртасидаги боғлиқлик аниқланади. Омиллар ва натижа кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқнинг математик модели тузилади. Таҳлилнинг навбатдаги босқичида корхона молиявий барқарорлигининг умумлашган кўрсаткичига омилларнинг бевосита таъсири аниқланади. Бу бевосита маълумотларни қўллаган ҳолда амалга оширилади. Бунда ҳар бир гуруҳ омиллари алоҳида-алоҳида ўрганиш муҳимдир. Бу эса тадқиқ этилаётган мавзунинг долзарблигини белгилаб беради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Иқтисодиётни либераллаштириш жараёнида хўжалик юритувчи субъектларда ишлаб чиқариш жараёнини модернизациялашнинг объектив зарурлиги, корхонанинг молиявий барқарорлигини таъминлашда модернизациялашнинг аҳамияти, корхоналарни модернизациялашнинг молиявий стратегиясини ишлаб чиқиш ҳамда молиявий барқарорлик масалалари А.Гершенкрон, У.Ростоу, С.Кузнец, В.А.Красильшиков, Р.М.Нуреев, Д.В.Диденко, И.А. Лисовская, Н.В. Бобков,

И.А.Бланк, А.Ляпунов, А.Тенсли, Ю. Одум, Ф. Оуэн, Д.Х. Медоуз³ каби хорижий олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Республикамизда миллий иқтисодиётни модернизациялашнинг устувор йўналишлари, корхоналарда молиявий стратегияни ишлаб чиқиш масалаларининг ўзига хос хусусиятлари, саноат ишлаб чиқаришини модернизациялашнинг илмий-услубий масалалари бўйича мамлакатимиз олимлари – Ваҳобов А.В., Беркинов Б.Б., Ғофуров У.В., Саидова Г.К., Тўхлиев И.С., Холматов Н.Б., Қодиров А.М., Ходиев Б.Ю⁴. ва бошқалар илмий тадқиқот олиб борганлар.

Корхоналар молиявий ва иқтисодий муносабатларида самарадорликнинг назарий методологик асосларини такомиллаштириш хорижий ва мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан В.Семенов⁵, А.Ўлмасов, А. Ваҳабов, Ж.Р.Зайналов, А.Иброҳимов, Б. Хакимов, М.К.Пардаев,

³ Gerschenkron A. Continuity in History and other Essays. Cambridge (Mass.): The Belknap Press of Harvard University Press, 1968.; Ростой В. Стадии экономического роста. — Нью-Йорк: Издательство «Фредерик Прегер», 1961.; Kuznets S. Modern Economic Growth: Rate, Structure, and Spread. New Heaven - London: Yale University Press, 1966.; Бланк И.А. Финансовый менеджмент: Учебный курс. — 2-изд., перераб. и доп. — К.: Эльга; Кика-Центр, 2004. — С. 96.; Бобков Н.В. Формирование финансовой стратегии корпораций в современных условиях. Автореферат диссертации на соискание кандидата экономических наук. — Москва., 2009. — С. 10.; Красильщиков В. А. Вдогонку за прошедшим веком: Развитие России в XX веке с точки зрения мировых модернизаций. — М.: Российская политическая энциклопедия (РОССПЭМ), 1998. С. 9-24.; Лисовская И.А. Методология формирования финансовой стратегии Российских компаний. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. — М., 2009. — С. 4; Ляпунов, А.М. Общая задача об устойчивости движения: (Диссертация и статьи) / А.М. Ляпунов. — 2-е изд. / при ред. участии Г. Мюнтц. — Л.; М.: ОНТИ. Гл. ред. общетехн. лит., 1935. — 386 с.; Медоуз Д.Х., Медоуз Д.П., Рондерс Й. За пределами поста. — М.: Наука, 1994. С.304.; Нуреев Р.М. Россия: особенности институционального развития. — М.: Норма, 2009. С. 40-109.; Диденко Д.В. Теория модернизации и стратегии трансформации национальной интеллектуалоемкой экономики. //Международная экономика, №11, 2010. С. 45.; May R.M. Models for single populations // Theoretical Ecology: Principles and Applications, 2nd edn., R.M. May ed. — pp. 5-29, - Blackwell Scientific Publications, Oxford 1981.

⁴Ходиев Б.Ю., Шодмонов Ш.Ш., Ғофуров У.В. Мамлакатни жадал ислоҳ этиш ва модернизация қилиш — миллий тараққиётимизнинг мантикий босқичи. — Т.: ТДИУ, 2008. — 53 б.; Саидова Г. Модернизация, техническое обновление и диверсификация производства, широкое внедрение инновационных технологий — необходимое условие выхода Узбекистана на новые рубежи на мировом рынке /«Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуманидаги тақдимот материаллари. — Т., ТДИУ, 2009 йил 5 май; Ваҳабов А.В. Миллий иқтисодиётни модернизациялаш моделлари ва улардан ўзбекистонда ижодий фойдаланиш йўналишлари. //“Миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялашнинг долзарб масалалари: хориж тажрибаси, муаммолар, истикболлар” мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Т.: 2012. — Б.5; Тўхлиев Н.Т. Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш ва диверсификациялашнинг зарурияти ва шарт-шароитлари//“Миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялашнинг долзарб масалалари: хориж тажрибаси, муаммолар, истикболлар” мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Т.: 2012.

⁵ Экономика предприятий: Учебник. 5-е изд. / Под. ред. акад. В.М.Семенова. — СПб.: Питер, 2008. — С.176.

Н.Йўлдошев, М.Юнусов, Г.Н.Махмудова⁶ каби иқтисодчи олимлар томонидан ёритилган.

Хусусан, уларнинг айримлари томонидан хўжалик юритувчи субъектлар молиявий самарадорлигига таъсир этувчи омиллар ўрганилиб, уларнинг самарадорлигини ошириш учун замонавий техника ва технологияни ишлаб чиқариш жараёнига тадбиқ этиш, малакали мутахассислар билан таъминлаш, уларни рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш орқали меҳнат унумдорлигини ошириш каби тавсиялар берилган⁷.

Магистрлик диссертациянинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг илмий-тадқиқот ишлари режалари доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналарни модернизациялаш орқали уларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлашга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари. Магистрлик диссертация ишининг мақсадидан келиб чиқиб, қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- корхоналарни модернизациялашни молиявий стратегиясини шакллантиришнинг заруриятини асослаш;
- корхоналар молиявий барқарорлиги тушунчасининг назарий асосларини ёритиш;

⁶ Ўлмасов А., Вахабов А. Иқтисодиёт назарияси. –Т.: Шарқ, 2006. – 480 б., Вахабов А., Иброҳимов А. Хақимов Б. Иқтисодий таҳлил назарияси. Ўқув қўлланма. Т.: ТМИ, 2003. – 176б., Пардаев М. ва бошқ. Иқтисодий таҳлил. Ўқув қўлланма. – Т.: Меҳнат, 2004. – 556 б., Йўлдошев Н., Юнусов М. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўллари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. №4, май, 2012 йил.; Зайналов Ж.Р., Алиева С.С., Ахроров З.О. ва бошқ. Корхоналар молияси. Дарслик. – Т.:2018. – 268 б.; Махмудова Г.Н. Иқтисодиётни модернизациялаш моделларининг назарий асосларини такомиллаштириш. / Монография. – Т.: «Iqtisod-politika», 2016. -192-б.; Махмудова Г.Н. Международный опыт модернизации национальной экономики и пути ее использования в странах Центральной Азии. // «Экономика и предпринимательство», Российский научный журнал, 2016, №2. -С. 406-410.

⁷ Йўлдошев Н., Юнусов М. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўллари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. №4, май, 2012 йил.

- молиявий барқарорликни корхонада молиявий стратегик мақсадларини амалга оширишдаги аҳамиятини ўрганиш;
- корхоналарни молиявий барқарорлигини таъминлаш омилларини аниқлаш;
- корхоналарни молиявий барқарорлигини таъминлашда ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларнинг таъсирини аниқлаш;
- “Dastbakor Baraka” МЧЖни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш орқали молиявий барқарорлигини таъминлаш масалаларининг ўзига хос хусусиятларини ёритиш;
- корхонанинг молиявий барқарорлигини мақсадга йўналтириш стратегиясининг моҳиятини ёритиш ва уни ишлаб чиқиш жараёнини ёритиш;
- корхонанинг молиявий барқарорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни тартибга келтириш йўлларини аниқлаш бўйича илмий таклиф ишлаб чиқиш;
- истиқболда корхоналарни модернизациялаш орқали уларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқиш ва ҳ.к.

Тадқиқот объекти бўлиб фаолият юритаётган “Dastbakor Baraka” масъулияти чекланган жамияти танлаб олинди.

Тадқиқот предмети: корхона (“Dastbakor Baraka” масъулияти чекланган жамият)ларни модернизациялаш орқали уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашда юзага келадиган молиявий муносабатлар бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқот методлари. Магистрлик диссертацияси доирасида тадқиқотни амалга оширишда қиёсий таҳлил, тизимли ёндошув, иқтисодий ва статистик таҳлил ҳамда занжирли алмаштириш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқот гипотезаси. Тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар истиқболда корхоналарни модернизациялаш орқали уларнинг молиявий барқарорлигини ошириш тизимининг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш имконини беради.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

- корхоналарни модернизациялашни молиявий стратегиясини шакллантиришнинг заруриятини асосланди;
- корхоналар молиявий барқарорлиги тушунчасининг назарий асослари иқтисодчилар фикри нуқтаи назаридан ўрганилиб, ёритилди;
- молиявий барқарорликни корхонада молиявий стратегик мақсадларини амалга оширишдаги аҳамиятини ўрганиш;
- корхоналарни молиявий барқарорлигини таъминлаш омиллари аниқланди;
- корхоналарни молиявий барқарорлигини таъминлашда ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларнинг таъсири аниқланди;
- “Dastbakor Baraka” МЧЖни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш орқали молиявий барқарорлигини таъминлаш масалаларининг ўзига хос хусусиятларини ёритилди;
- корхонанинг молиявий барқарорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни тартибга келтириш йўллари аниқлаш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқилди.

Илмий янгилиги:

- корхоналарнинг иқтисодий ривожланишини таъминлашда молиявий стратегиянинг аҳамияти ёритилди;
- корхоналарнинг молиявий барқарорлиги барқарор ривожланиш тушунчаси нуқтаи назаридан асосланди;
- корхоналар молиявий барқарорлигини таъминлаш омилларининг ҳудудий иқтисодиёт кўрсаткичларига боғлиқлиги таҳлил қилинди;
- корхонанинг молиявий барқарорлигини мақсадга йўналтириш стратегияси ҳар томонлама ёритилди;
- корхонанинг молиявий барқарорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни тартибга келтириш йўллари таклиф этилди;

- истиқболда корхоналарни модернизациялаш орқали уларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан хўжалик юритувчи субъект (корхона)ларнинг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва мустаҳкамлашда фойдаланиш мумкин. Илмий ишда олинган илмий хулоса ва амалий таклифлар корхоналарнинг молиявий стратегиясини ишлаб чиқиш, бу орқали молиявий барқарорлигини таъминлаш, корхоналар фаолиятини акс эттирувчи молиявий коэффициентларни гуруҳлашда муҳим аҳамият касб этади. Тадқиқот материалларидан Олий ўқув юртларида “Корхоналар молияси”, “Бизнес молияси” фанлари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот ишининг натижалари Самарқанд шаҳар “Dastbakor Baraka” масъулияти чекланган жамиятда муҳокама этилган (12.03.2019 даги жорий қилиш ҳақида далолатнома) амалиётга жорий қилиш учун қабул қилинган.

Ишнинг синовдан ўтиши. Тадқиқотнинг асосий ғоялари “Иқтисодиётни стратегик ривожлантириш шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини такомиллаштириш йўллари” (Самарқанд, 2018) ва “Ижтимоий-иқтисодий ва молия тизимларини институционал ривожлантириш: глобал миқёсда миллий иқтисодиёт” (Самарқанд, 2019) мавзуларидаги республика ва халқаро илмий-амалий конференцияларида маъруза қилинган ва маъқулланган.

Магистрлик диссертация иши СамИСИ “Молия ва суғурта хизматлари” кафедраси мажлисида муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Илмий ишнинг асосий ғояси ва натижалари бўйича 3 та илмий ишлар эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Магистрлик диссертация иши таркибий жиҳатдан кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар

рўйхатидан иборат. Диссертация матни 81 бетни ташкил этиб, 6 та жадвал, 4 та диаграмма ва 4 та чизмадан иборат.

I БОБ. КОРХОНАЛАРНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШНИНГ МОЛИЯВИЙ СТРАТЕГИЯСИ, УНИ ИШЛАБ ЧИҚИШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ

1.1. Корхоналарни модернизациялашнинг молиявий стратегиясини шакллантириш зарурияти

Миллий иқтисодиётни либераллаштиришда корхоналар молиявий фаолияти алоҳида ўрин тутди. Шу боис, корхонлар иқтисодиётининг барқарорлигини таъминлаш ролини ошириш аҳамиятга эга. Бунинг учун корхоналарга зарур шарт-шароит яратиш давр талаби ҳисобланади. Бу борада Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги нутқида билдирган қуйидаги фикрларига эътибор қаратишни жоиз деб билдик: “Иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ўсишини таъминлашдек муҳим тамойил ва устувор вазифани амалга ошириш, давлат раҳбари сифатида мен учун стратегик вазифа бўлиб қолади.

Биз аввало иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш борасидаги ишларимизни янада чуқурлаштириш, унинг соҳа ва тармоқларини таркибий жиҳатдан ўзгартириш бўйича бошланган ишларни жадаллаштиришимиз керак.

Тармоқлар ва ҳудудларни модернизация қилиш, уларнинг рақобатдошлик даражасини ошириш, экспорт салоҳиятини ривожлантириш масалалари доимий эътиборимиз марказида бўлиши лозим. Бунинг учун хорижий сармоялар ва илғор технологияларни ҳамда ахборот-коммуникация тизимларини барча соҳаларга янада фаол жалб этишимиз зарур бўлади.

Айнан шу асосда 2030 йилгача мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини 2 баробардан зиёд кўпайтиришга эришишимиз даркор”⁸ деган фикрлари

⁸ Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги нутқи, 14 декабр 2016 йил.

мамлакатимизда фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида модернизациянинг нақадар юқори ўрин эгаллашини ва бу жараёни янада чуқур таҳлил қилиш лозимлигини асослаб беради.

Корхоналарни модернизациялаш орқали уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашда корхона стратегияни шакллантириш ва амалга ошириш истиқболли молиявий режалаштиришнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Бунда корхоналар миқёсида уларни модернизациялаш орқали рақобатбардошлигини таъминлашда молиявий стратегияни шакллантириш учун, аввало, молия стратегиясининг моҳияти, принципларини ташкил этиш босқичлари ва бу борада эътибор қаратиш лозим бўлган жиҳатларни ўрганиб чиқишни зарурат қилиб қўяди. Шундан келиб чиққан ҳолда хўжалик субъектларида молиявий барқарорлик ва унинг стратегиясини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш юзасидан изланишлар олиб борган олимлардан Россиялик иқтисодчи олим И.А. Лисовская молиявий стратегияга корхоналар молиявий ривожланишига салбий таъсир этувчи омилларни нейтраллаштириш ва корхонанинг реал имкониятларини бошқариб бориш воситаси сифатида таъриф беради⁹. Яна бир иқтисодчи олим Н.В. Бобков томонидан эса молиявий барқарорлик ва унинг стратегияси тушунчаси кенгайтирилган маънода ва қатъий йўналтирилган маънода очиқ берилган. Яъни бунда қатъий йўналтирилган молиявий барқарорлик молиявий натижага эришиш учун молиявий фаолиятни ташкил этишнинг аниқ мақсад ва вазифалари тизимини ўзида акс эттиради.

Молиявий барқарорликнинг кенгайтирилган маъноси эса молиявий барқарорликни таъминловчи стратегияни бевосита бошқа функционал стратегиялар (инвестицион, маркетинг, ишлаб чиқариш ва бошқалар) билан ўзаро боғлиқликда эканлиги билан изоҳланади¹⁰. Шунингдек, украиналик иқтисодчи олим И.А.Бланк томонидан молиявий барқарорлик молиявий

⁹ Лисовская И.А. Методология формирования финансовой стратегии Российских компаний. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. – М., 2009. – С. 4.

¹⁰ Бобков Н.В. Формирование финансовой стратегии корпораций в современных условиях. Автореферат диссертации на соискание кандидата экономических наук. – Москва., 2009. – С. 10.

стратегик нуқтаи назардан асослаб ўтилган. И.Бланк “Молиявий стратегия корхонанинг муҳим функционал стратегияларидан бири бўлиб, ташқи воситалар ўзгарувчанлиги шароитида узоқ муддатли молиявий мақсадларни шакллантириш, улар муваффақиятини таъминлашнинг энг самарали йўллари танлаш, молиявий ресурсларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш йўналишларини тартибга келтириш йўлида молиявий фаолият ва молиявий муносабатларни ривожлантиришнинг барча асосий йўналишларини таъминлашни ўзида акс эттиради”¹¹, дея изоҳланади.

Корхоналарда молиявий барқарорликни шакллантириш ва амалга ошириш ҳам микродаражада, ҳам макродаражада тараққиётни таъминлашга хизмат қилади. Корхоналарнинг иқтисодий ривожланишини таъминлашда молиявий барқарорликнинг аҳамиятини унинг стратегик нуқтаи назаридан акс эттирилишини 1-чизмада кўришимиз мумкин.

¹¹ Бланк И.А. Финансовый менеджмент: Учебный курс. – 2-изд., перераб. и доп. – К.: Эльга; Кика-Центр, 2004. – С. 96.




1-чизма. Корхона молиявий стратегиясини ишлаб чиқиш принциплари

Корхонанинг молиявий барқарорлигини таъминлаш йўлида унинг стратегиясини ишлаб чиқиш замирида янги бошқарув яхлитлиги принциплари, яъни стратегик бошқарув тизими ётади. Корхона молиявий барқарорлигини таъминлаш стратегиясини ишлаб чиқиш жараёнида стратегик молиявий қарорлар тайёрлаш ва қабул қилишни таъминловчи асосий принциплар каторига қуйидаги чизмада келтирилган (2-чизма).

Корхонани ўзини-ўзи ташкил этишга қодир очик тизим сифатида қараш принципи стратегик бошқарув жараёнида корхона молиявий стратегиясини ишлаб чиқиш бўйича ташқи омиллар билан ўзаро боғлиқ очик ва аник тизимни ўзида акс эттиради. Корхонанинг бундай ўзаро боғлиқлик жараёни бозор иқтисодиёти шароитида мос маконни, вақтни ҳамда функционал таркибни талаб қилади.

Корхонанинг ижтимоий-иқтисодий тизим сифатида очиклиги ва ўзини-ўзи ташкил этишга қобилиятли эканлиги молиявий стратегиянинг сифатли ташкил этилишини таъминлаш имконини беради.

Корхона операция фаолияти базавий стратегияларини ҳисобга олиш принципи корхона иқтисодий ривожланиш умумий стратегиясининг таркибий қисми сифатида биринчи навбатда операция фаолиятни ривожлантиришни таъминлаш ва молиявий стратегиянинг унга бўйсунувчан характерда бўлишини ифода қилади. Шунинг учун молиявий стратегия стратегик мақсадлар ва операция фаолият йўналишларига мувофиқлаштирилиши керак. Умуман, молиявий стратегияга танланган корпоратив стратегия билан мувофиқликда корхона самарали ривожланишини таъминлашнинг муҳим омилларидан бири сифатида қаралади.



2-чизма. Корхоналарнинг иқтисодий ривожланишини таъминлашда молиявий стратегиянинг аҳамияти

Шу билан биргаликда молиявий стратегия корхона операциян фаолятини стратегик режалаштиришни ташкил этишга ўз таъсирини кўрсатади. Бу операциян стратегиянинг асосий мақсадлари ҳисобланган юқори даражада маҳсулот реализациясини, операциян фойда ва корхонанинг рақобатдаги позициясини оширишни таъминлашга боғлиқ бўлади. Агар корхона ўз молия-хўжалик фаолятини амалга ошираётган товар ва молия бозорларининг ривожланиш тенденциялари пайдо бўладиган ҳолатларга мос тушмаса, бу корхона операциян фаолият ривожланишининг стратегик мақсадлари молиявий чеклашлар билан боғланмаганлигини кўрсатади. Бундай ҳолатда корхона операциян фаолият стратегиясини мос равишда коррективка қилишларига тўғри келади.

1.2. Корхоналар молиявий барқарорлигининг назарий асослари

Барқарорлик, шу жумладан, корхоналарнинг молиявий барқарорлиги, барқарор ривожланиш тушунчасининг назарий асослари техника фанларида (А.Ляпунов, 1892)¹², сўнгра экология ва табиатшунослик фанлари доирасида (А.Тенсли, Ю. Одум, Ф. Оуэн)¹³ шаклланган. Барқарор ривожланиш тўғрисидаги дастлабки парадигма 1915 йилда Канада атроф-муҳит муҳофазаси комиссияси томонидан қуйидача талқин этилган: “Ҳар қайси авлод табиий капиталнинг маълум бир қисмидан, яъни фойзаларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга, шунинг учун табиий капиталнинг асосий қисми бузилмаган ҳолда кейинги авлодга етказилиши шарт”. Бунга кўра инсоният табиат бойликларининг фойзалари ҳисобига ҳаёт кечириши зарур бўлади.

Иқтисодий фанлар тизимида молиявий барқарорлик ёки барқарор ривожланиш концепциясига оид тадқиқотларга 1962 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг “Иқтисодий ривожланиш ва табиат муҳофазаси” резолюцияси ва Рим клубининг 1972 йилда “Пределът роста” номли маърузаси том маънода сабаб бўлганлиги манбаларда қайд этилган¹⁴. Айнан ўша йили Стокгольм шаҳрида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича биринчи конференция бўлиб ўтганди. Ушбу анжуманда жаҳон иқтисодиётида табиий ресурсларнинг аёвсиз ўзлаштирилиши ва саноатлашувнинг жадал ўсиши натижасида атроф-муҳитнинг ҳалокатли ҳолатга олиб келинганлиги ва жаҳон тараққиётининг янги барқарор ривожланиш концепциясини ишлаб чиқиш зарурияти қайд этилган. Бунинг натижасида кўпгина мамлакатларда атроф-муҳитни муҳофаза қилишга оид қонунлар қабул қилина бошланди. “Барқарор ривожланиш”, «экологияга оид тушунча» деган илмий гипотезалар айнан шу даврда шаклланди. Ваҳоланки, молиявий барқарорлик ва молиявий барқарор ривожланиш тушунчалари ижтимоий-иқтисодий ва минтақавий тизимларни

¹²Ляпунов, А.М. Общая задача об устойчивости движения: (Диссертация и статьи) / А.М. Ляпунов. – 2-е изд. / при ред. участии Г. Мюнтц. – Л.; М.: ОНТИ. Гл. ред. общетехн. лит., 1935. – 386 с.

¹³May R.M. Models for single populations // Theoretical Ecology: Principles and Applications, 2nd edn., R.M. May ed. – pp. 5-29, - Blackwell Scientific Publications, Oxford 1981.

¹⁴Печчеи А. Человеческие качества. М.: Прогресс, 1980. 302с.

ривожлантиришда атроф-муҳитга зарар етказмаган, келажак авлод эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда доимий, бир текис ва мувозанатли иқтисодий ўсишни таъминлашни акс эттиради.

“Барқарор ривожланиш концепцияси жамият барқарорлигини таъминлаш ва инсон яшаш тарзини сифат жиҳатдан яхшилаш учун ижтимоий эҳтиёжлар, иқтисодиёт ва атроф-муҳит имкониятлари ўртасида мувозанатни таъминлашни акс эттиради”¹⁵. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, иқтисодий фанлар тизимининг бугунги кундаги бош масаласи барқарор ривожланиш ғояларини ўзига сингдириш ва шу асосда хўжалик юритиш механизмларини жорий этишнинг назарий йўналишларини ишлаб чиқишдир.

Барқарор ривожланиш ғояларининг ижтимоий-иқтисодий фанларда долзарблашувига инсоният ва унинг келажак авлодларига таъсир кўрсатаётган бир қатор экологик, ижтимоий, иқтисодий муаммолар туртки бўлганини қайд этиш жоиздир. Жумладан:

- атроф-муҳит деградацияси (ўрмонларнинг қисқариши, чўлларнинг ва ботқоқликларнинг кенгайиши, маҳсулотларнинг кимёлашуви, ҳайвонот ва ўсимлик олами турларининг йўқолиб кетиши, турли хил касалликларнинг авж олиши, инсон умр кўриш даврининг қисқариб бориши, кислотали ёмғирлар, озон қатламининг емирилиши, глобал иқлим ўзгаришлари);
- табиий ресурслардан фойдаланишда юқори самарадор бўлмаган, табиатга зарар етказувчи технологияларнинг қўлланилиши;
- ривожланган ва ривожланаётган давлатлар ўртасида иқтисодий тафовутнинг кенгайиб бориши;
- дунё бўйлаб қашшоқлик миқёсининг кенгайиши, бойлар ва камбағаллар ўртасида табақаланишнинг ортиб бориши;
- сув ва озиқ-овқат етишмовчилиги муаммоларининг авж олиши;
- дунёда содир бўлаётган турли хил низолар.

¹⁵ Основы региональной экономики. Учебное пособие /А.В. Андреев, Л.М. Борисова, Э.В. Плучевская. – 2-е изд., стер. – М.: КНОРУС, 2016. стр. 310-311.

Қайд этилган муаммолар глобал экологик ва ижтимоий-иқтисодий тизимларда қуйидаги нобарқарорликларни келтириб чиқараётганлиги билан тавсифланади:

1. Экологик тизимда атроф-муҳитга антропоген таъсирлар энг чекка ҳалокатли нуқтага етиб келди. Иқтисодий ўсиш, аҳоли сони, ресурсларни ўзлаштиришнинг ортиб бориши, атроф-муҳитнинг бузилиши, инсон геноми инкирози кетма-кетлигидаги ўзаро алоқадор таъсирлар натижасида биосферада бузилиш кузатилмоқда.

2. Ижтимоий тизимда антропоцентризм фалсафасининг устуворлиги сақланиб турибди, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ғоялари тўлиқ шаклланган ва сингдирилган деб бўлмайди, гуруҳлар манфаати умуминсоният манфаатларидан устувор бўлмоқда, ривожланиш даражаси паст бўлган мамлакатларда аҳоли ўсишининг давом этиши яшаш шароитларидаги фарқларни кенгайтirmoқда, қашшоқлик ва турли касалликларнинг ортиб бориши кузатилмоқда.

3. Иқтисодий тизимда бойлик орттириш ғоялари устуворлик қилмоқда, иқтисодий ўсиш ҳамон экстенсив шаклда қолмоқда, атроф-муҳитга таъсирларнинг энг чекка меъёрларини акс эттирувчи иқтисодий мезонлар ишлаб чиқилмаган.

Юқорида қайд этилган барқарор ривожланиш ғояларининг шаклланиш босқичларидаги илгари силжишлар 1983 йилда БМТнинг “Атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича халқаро комиссия”нинг тузилиши билан ривожлана борди. Айнан шу даврда барқарор ривожланиш мезонлари ишлаб чиқилди ва унинг назарий-услубий асослари бойитила бошланди. Масалан, 1987 йилда Норвегия Бош вазири Гру Харлем Брундтланд бошчилигида Халқаро комиссиянинг “Our Common Future” номли ҳисоботи эълон қилинди¹⁶. Бу маърузада барқарор ривожланиш келажакка интилишнинг яхлит модели эканлиги назарий асослаб берилган. Халқаро комиссиянинг асосий назарий

¹⁶ Наше общее будущее: (Brundtland Report) Доклад международной комиссии по окружающей среде и развитию (МКОСР). Пер. с англ. М.: Прогресс, 1989. 376 с.

концепцияси “табиий муҳит-жамият-инсоният” шаклидаги барқарор ривожланиш тамойилига асослангани қайд этилди. Шунингдек, молиявий барқарор ривожланиш жараёнини оммавийлашувига комиссия томонидан берилган таърифда инсон эҳтиёжларининг қондирилиши вазифасини амалга ошириш мунозарали бўлиб қолмоқда. Яъни мазкур комиссия “Молиявий барқарор ривожланиш – бу шундай ривожланиш шаклики, унга кўра инсон эҳтиёжларини қондириш жараёнида кейинги авлод эҳтиёжларининг қондирилиш имкониятларини йўқотиш хавф-хатарини келтириб чиқармаслиги керак” дея таърифлайди. Аслида инсон эҳтиёжлари чексизлиги, унга эрк бермаслик кераклиги ва уни онгли равишда минимал даражада қондириш ғоялари узоқ даврлардан бери илмий адабиётларда айтилиб келинади. Бироқ бу ишлаб чиқариш жараёнига қандай таъсир кўрсатади, бозор иқтисодий тизими маълум бир маънода эҳтиёжларни қондиришни таъминлашга қаратилган иқтисодий тизим ва бу тизим фаолият механизмига юқоридага парадигма қандай таъсир кўрсатади ва унинг оқибатлари қанақа бўлади, каби саволлар анча мунозарали бўлиб қолмоқда.

Бу мунозарали мавзу борасида иқтисодий адабиётларда турли хил фикрлар, ёндашувлар келтарилган. Масалан, Д.С.Милль ўзининг “Principles of Political Economy” асарида иқтисодиёт ва Ер сайёраси имкониятларининг ўзаро бир-бирига мослашуви масаласига оид ғояларни илгари сурган. У инсон ва капиталнинг “стационар ҳолати” тушунчасини фанга киритган. Бунга кўра, инсоннинг маънавий ва диний баркамоллигига эришиш учун Ер сайёраси имкониятларини чеклаб қўймаслик ғоялари илгари сурилган¹⁷.

Тадқиқотчи Г.Дейли барқарор жамиятда хомашёлар истеъмоли куйидаги учта шарт асосида амалга оширилишини айтиб ўтган:

- қайта тикланувчи ресурсларнинг истеъмоли тезлиги даражаси уларнинг тикланиш тезлиги даражасидан ошиб кетмаслиги шарт;

¹⁷ Милль Д. С. Основы политической экономии: в 3-х т. – М.: Прогресс, 1980. Т.2. 480 с.

- қайта тикланмайдиган ресурслар истеъмоли тезлиги даражаси уларнинг ўрнини босувчи муқобилини тадқиқ этиш тезлиги даражасидан ўтиб кетмаслиги зарур;

- турли хил чиқиндиларни ташлаш интенсивлиги даражаси табиат томонидан уларнинг ютилиши даражасидан ошиб кетмаслиги керак¹⁸.

Тадқиқотчи Д.Х. Медоуз фикрларига кўра, барқарор жамият моддий ва миқдорий ўсиш билан эмас, ривожланишнинг сифат жиҳатлари билан тавсифланади. Муаллиф ўз асарида иқтисодий ўсиш ва иқтисодий ривожланиш ўртасида фарқлар мавжудлигини илмий асослаб беради. Унга кўра ривожланиш – ўз ҳолатини яхшилаш, илм-фан ютуқлари ёрдамида имкониятларни кенгайтириш маъноларини билдиради. Миқдорий ўсиш ва сифатли ривожланиш турли қонуниятларга бўйсунди. Жорий иқтисодий тизим Ер сайёрасининг бир бўлаги ва бу тизим ер қонуниятларига мослашмоғи зарур, дея фикр билдиради. Шунингдек, тадқиқотчининг фикрича, иқтисодий ўсишга оид қарор қабул қилишда ўсиш зарурияти, кимлар бунда ютуққа эришиши ва унинг давомийлиги, ижобий, салбий оқибатларига оид саволларни ўртада муҳокама қилиш зарур. Ҳаттоки, қайта тикланмайдиган ресурслардан фойдаланишни тўхтатиш кераклиги ва унинг ўрнига Ер сайёраси инъом қилаётган табиат неъматларидан оқилона фойдаланиш ҳамда келажак авлодга кўпроқ ресурс турларини сақлаб қолиш зарурлигини айтиб ўтган¹⁹.

Молиявий барқарор ривожланиш – жамият ҳаётини ташкил этишнинг янги моделидир. Бутун дунё ҳамжамиятининг Йоханнесбург шаҳрида 2002 йилда бўлиб ўтган “Барқарор ривожланиш” саммитидаги келишувига кўра, 2005 йилдан бошлаб дунё мамлакатлари барқарор ривожланиш босқичига ўта бошлайди. Ҳар бир мамлакат саммитда келишилган режа асосида барқарор ривожланишга эришиш учун аниқ нормативлар ва қонунлар юзасидан ўзаро

¹⁸ Медоуз Д.Х., Медоуз Д.П., Рондерс Й. За пределами поста. – М.: Наука, 1994. С.304.

¹⁹ Медоуз Д.Х., Медоуз Д.П., Рондерс Й. За пределами поста. – М.: Наука, 1994. С.304.

хамжихатли ҳаракатларни ва институционал базани шакллантириш ҳамда мустаҳкамлашга оид тадбирларни амалга ошириш мажбуриятини олган.

Амалиётда барқарор ривожланиш учун ташланган ижобий қадамлардан бири дунёнинг 174 давлати арбоблари 2016 йил апрель ойида БМТнинг Нью-Йоркдаги бош қароргоҳида иқлим ўзгариши бўйича Париж шартномасини имзолаши бўлди. Битимни имзолаган барча давлатлар зиммасига атмосферага захарли газ чиқаришни қисқартириш масъулияти юкланади. Бу эса ўз вақтида корхоналарнинг молиявий барқарорлигига эришишда хом ашёни иқтисод қилиб фойдаланишни ҳам назарда тутди.

Шунингдек, дунёнинг 193 давлати 2015 йилда БМТ доирасида “Transforming our world: the 2030 Agenda for Sustainable Development” (Барқарор ривожланишнинг 2030 кун тартиби: Дунё трансформацияси) деб номланган келишувга эришишди. Ушбу ҳужжат барқарор ривожланишга эришишнинг 17 мақсади ва ундан келиб чиқиб 169 та вазифа белгиланган. Дунё мамлакатларида 2016 йилнинг 1 январидан бошлаб буларни амалга ошириш учун миллий услубиёт ва дастурлар ишлаб чиқилиши кўзда тутилган. Юқорида келтирилган фикрлардан қуйидагиларни қайд этиш мумкин:

- Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш учун 169 та вазифа белгиланган, ҳар бир вазифани амалга ошириш қанча вақт ва қанча молиявий ресурс талаб қилишини аниқлаш ҳамда уларни амалга оширишда ўзаро ҳамкорликдаги иштирокчиларни белгилаш зарур.

- Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни баҳоловчи миллий индикаторлар тизимини ишлаб чиқиш керак. БМТ статистика қўмитаси томонидан 229 та индикатор тавсия қилинган ва шундан 80 та индикатор баҳс-мунозарали бўлиб турибди. Ҳар бир мамлакат 229 индикатор доирасида ўз миллий индикаторларини тавсия этиши ва муҳокамада қатнашиши мумкин.

- Ўзбекистоннинг ҳар бир минтақасида корхоналарни молиявий барқарор ривожланиш мақсадларига эришишнинг ҳудудий моделини

шакллантириш мақсадга мувофиқдир. Бу моделнинг асосида тоза сув ва тоза ҳаво, ҳам ашё иқтисоди компонентлари ётиши зарур. Фикримизча, Ўзбекистон минтақаларининг молиявий барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш модели бўлиши керак.

1.3. Молиявий барқарорликни корхонада молиявий стратегик мақсадларини амалга оширишдаги аҳамияти

Корхона молиявий барқарор ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш ишбилармонлик фаолиятининг асосий йўналишларини, яъни мотивацион ғоя билан бирга корxonани ривожлантиришнинг асосий йўналишларини аниқлайдиган ва фирма мақсадларини белгилаб берадиган фаолият “фалсафа”ни аниқлаб олишдан бошланади.

Молиявий барқарор стратегик мақсадларни шакллантириш учун муҳим ахборот манбаси – бу ички ва ташқи муҳит тўғрисидаги маълумотлар ҳисобланади ва ушбу маълумотларни таҳлил қилиш олға қўйилган мақсадларнинг қанчалик тўғри эканлигига баҳо беришга, юз бериши мумкин бўлган ўзгаришларни таҳлил қилишга ва корxonанинг энг самарали стратегиясини танлаб олишга ёрдам беради.

Молиявий барқарорликни стратегик таҳлилнинг моҳияти шундан иборатки, унинг ёрдамида корхона рақобат динамикасини тушуниш орқали корхона рақобат муҳитида ютиб чиқиши учун нима қилиш кераклигини, нималарни ўзгартириш, у ёки бу имкониятлардан, устунликлардан, ходимларнинг билимдонлик жиҳатларидан қандай фойдаланиш зарурлигини тўғрисида бош қотириш мумкин. Айтиш жоизки, “Dastbakor Baraka” МЧЖ рақобат муҳитини ўзгартиришга ҳаракат қилиб, ёки ўзгариб бораётган шароитларга мослашиши, ёхуд уларга қарши туриши мумкин. Агар МЧЖ рақобатчиларга нисбатан кўпроқ келажакни прогноз қилишга интилса, унинг бўлажак шароитни назорат қилиши, рақибларнинг эса бунга фақат эътибор қилиши эҳтимоли катта. Прогноз қилишдан ташқари, стратегик таҳлилнинг

вазифасига стратегик муваффақият омилларини аниқлаш, ривожлантириш ва рақобатчилардан ҳимоя қилиш ҳам киради.

Стратегик муваффақият омилларини қидириб топиш аллақачондан бўён молиявий менежерларнинг асосий вазифасига айланган. Бунда турли йўллардан фойдаланилган:

- ҳар хил ҳисоботлар, муваффақиятли ривожланаётган корхоналар менежерларнинг чиқишлари ва ҳатто ёдномалари;
- кўпроқ тизимли характерга эга муайян ҳолатларни ўрганиш доирасидаги хулосалар;
- илмий-назарий нуқтаи назардан тасдиқланадиган муваффақият омиллари бўэмпирик тадқиқотлар.

Бундай ҳолатда стратегик маркетинг, жумладан операцион маркетинг, интеграциялашган маркетинг жараёнларини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ.

Операцион фаолиятнинг асосий мақсади – сотишдан даромадлар ҳосил қилиш, яъни мақсадли айланмалардир. Бу сотишнинг энг самарали усулларида фойдаланган ҳолда харид учун буюртмаларни “сотиш” ҳамда қабул қилиш ва айти пайтда харажатларни камайтиришни англатади. Маълум даражадаги МЧЖ ҳажмига эришишдан иборат бўлган мақсад операциялар бўлими учун ишлаб чиқариш дастурига айланиб кетади. Бундан келиб чиқадики, операцион маркетинг фирманинг қисқа муддатли рентабеллигига бевосита таъсир кўрсатувчи ҳал қилувчи элементдир.

Операцион фаолиги МЧЖ фаолиятидаги, айтиқса, рақобат кучайган бозордаги ҳал қилувчи омилдир. Ҳар қандай товар, ҳатто унинг сифати энг юқори бўлса ҳам, бозор учун мақбул нархга эга бўлиши, сотиш тармоғи кўтарадиган, мўлжалдаги истеъмолчиларнинг одатларига мослашган бўлиши керак ҳамда товарнинг бозордаги яхши кетишини таъминловчи ва унинг ўзига хос хусусиятларини таъкидловчи коммуникация ёрдамига эга бўлиши лозим. Бозорда талаб таклифдан кўп бўлган, фирма харидорларга яхши таниш бўлган ва рақобат бўлмаган ҳоллар кам учрайди.

Операцион фаолиятнинг энг кўзга кўринарли жихатидир, бунга асосий сабаб шуки, реклама ва товарларни силжитиш фаолиятининг роли ғоятда муҳимдир. Баъзи МЧЖлар, масалан, саноат товарлари ишлаб чиқарувчиларнинг кўплиги эса аксинча, маркетингни реклама билан узвий боғлиқ деб тушуниб, узоқ вақтгача маркетинг бизнинг бизнесга тўғри келмайди, деб ҳисоблаб келдилар. Демак, барқарорлик – бу МЧЖнинг тижорат дастаги бўлиб, ҳатто энг яхши стратегик режа ҳам яхши натижаларга олиб кела олмайди. Аммо кўриниб турибдики, етарлича катта стратегик базасиз мутлақо рентабелли операцион фаолият ҳам бўлиши мумкин эмас. Фикрсиз динамизм – асоссиз таваккалдир, холос. Операцион фаолият режаси ҳар қанча кучли бўлмасин, у эҳтиёж йўқ бўлган жойда талабни юзага келтира олмайди ва йўқолиб кетиши муқаррар бўлган фаолият йўналишини сақлаб қола олмайди. Бинобарин, рентабелликни таъминлаш учун операцион маркетинг стратегик фикрлашга асосланган бўлиши керак, у эса ўз навбатида бозордаги эҳтиёжга ва унинг кутилаётган эволюциясига таянади.

Шу боис корхоналар муваффақияти балансида бўлган барча ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлаш, зиммасидаги мажбуриятларни ўз вақтида бажарилиши устидан доимий назоратни амалга ошириш орқали эришиш мумкин. Бунга эришиш учун эса МЧЖда мажбуриятлар таҳлили ва аудитини тўғри ташкил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Бу эса истиқболда унинг молиявий барқарорлигини таъминлайди.

“Мажбурият” тушунчаси таърифида тўлов шартлигининг умумий ва алоҳида томонларининг мавжудлиги, “мажбурият”ни бажариш жараёнида турли иқтисодий субъектларнинг иштирок этиши, “мажбурият”нинг турли иқтисодий жараён ва фаолиятларни қамраб олиши, “мажбурият”нинг асосини иқтисодий манфаатларнинг рўёбга чиқарилиши ташкил этиши каби жихатлар акс эттирилиши лозим. Қайжд қилинганларга кўра “мажбурият”га қуйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқдир: “мажбурият – бу бир корхонанинг иккинчисига бўлган қарздорлигини кўрсатувчи, уларнинг

сўндирилиши эса қарздор корхоналарнинг активларини камайишига сабаб бўлувчи, аввалдан юз берган хўжалик муомалаларининг натижасидир”. Шундай қилиб, мажбурятларни ўз вақтида бажариш “Dastbakor Baraka” МЧЖнинг молиявий барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиши мумкин бўлади.

II БОБ. КОРХОНАЛАРНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ОРҚАЛИ УЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

2.1. Корхоналарни молиявий барқарорлигини таъминлаш омиллари


Самарқанд вилояти туманларининг табиий-иқтисодий салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда оқилона ҳудудий нисбатларни сақлаб туриш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши даражасида ҳаддан зиёд узилишларга йл қўймаслик мамлакатимиз иқтисодиётини таркибий ўзгартириш, модернизация қилишнинг муҳим жиҳатлари ҳисобланади. ўтган йиллар мобайнида амалга оширилган ислоҳотлар натижасида Самарқанд вилоятида ишлаб чиқариш таркиби, бунинг оқибатида эса минтақанинг ижтимоий аҳволи ҳам ўзгарди. Бу турмуш даражаси ва аҳоли фаровонлигининг ошишида ўз аксини топди.

2018 йилда Самарқанд вилояти ялпи ҳудудий маҳсулоти (ЯХМ)нинг ҳажми амалдаги нархларда 31187,4 млрд. сўмни ташкил этди ва 2017 йил билан таққослаганда ушбу кўрсаткич бўйича ўсиш суръати 99,3 фоизни ташкил этди, яъни 0,7 фоизга камайди (1-жадвал). Мазкур вилоят ЯХМнинг республикамиз ЯИМдаги улуши 2018 йилда 7,7 фоизни, республикамизда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти кўрсаткичидаги улуши 5,2 фоизни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 13,6 фоизни ташкил этди²⁰. Бугунги кунда озиқ-овқат, машинасозлик ва металлга ишлов бериш, енгил, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш кабилар вилоят саноатининг етакчи тармоқлари ҳисобланади.

Вилоят иқтисодиётининг бошқа соҳалари ҳам республика иқтисодиётининг ривожланишига ўз ҳиссасини қўшмоқда. Ушбу ҳудудда саноат тармоғида – 105,0 % (ЯХМ таркибидаги улуши – 14,0 %), қурилишда – 105,3 % (4,4 %), хизматлар соҳасида – 104,1 % (29,3 %) ижобий ўсиш

²⁰ Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. 2018 йил январь-декабрь. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси. Тошкент-2019.

суръатлари қайд этилди (1-диаграмма). Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида эса, ишлаб чиқариш ҳажмининг камайиши кузатилди ва 2017 йилга нисбатан 94,4 % ни ташкил этди (ушбу тармоқнинг ЯХМ таркибидаги улуши – 52,3 %). Аҳоли жон бошига ЯХМ 2,7 % га камайди ва 8 295,8 минг сўмни ташкил этди²¹.



²¹ Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. 2018 йил январь-декабрь. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Тошкент-2019.

Самарқанд вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланиши асосий кўрсаткичларининг динамикаси²²

Кўрсаткичлар	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил
	Амалдаги нархларда (млрд. сўм)	Амалдаги нархларда (млрд. сўм)	Амалдаги нархларда (млрд. сўм)	Амалдаги нархларда (млрд. сўм)	Амалдаги нархларда (млрд. сўм)
Ялпи ҳудудий маҳсулот	10278,8	12218,5	14999,9	25569,8	31187,4
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	10088,5	11909,3	14671,2	25176,3	30613,4
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	3178,5	3611,7	4389,8	13213,9	16008,8
Саноат (қурилишни ҳисобга олган ҳолда)	2399,3	3025,3	3687,0	43862,9	5636,6
саноат	1690,3	2125,1	2705,8	3311,7	4296,5
қурилиш	709,0	900,2	981,2	1071,2	1340,1
Хизматлар	4510,7	5272,3	6594,4	7579,5	8968,0
Савдо, яшаш ва овкатланиш бўйича хизматлар	934,7	1136,1	1416,0	1641,5	1987,5
Ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	896,5	918,7	1639,2	1916,7	2118,1
Бошқа хизматлар	2679,5	3217,5	3539,2	4021,3	4862,4

²² www.stat.uz сайти асосида тайёрланди.

Саноат ишлаб чиқаришини кенгайтириш ва модернизация қилиш, рақобатбардош саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш бошқа тармоқларни ривожлантириш ва давлатнинг ижтимоий соҳасини барқарорлаштириш учун асосга айланмоқда. Бугунги кунда давлат саноат сиёсати саноат ишлаб чиқаришининг ривожланиши, юксак технологиялар ва ишланмаларни жорий этиш, инновацион маҳсулот ишлаб чиқарувчи илмий сиғимли ишлаб чиқаришларни рағбатлантиришга йўналтирилган.

Технологик жараёнларни модернизация қилиш ва янгилашни амалга ошириш, корхоналарнинг молиявий барқарорлигини ошириш ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтиришда реал сектор корхоналарини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларининг амалга оширилиши 2018 йилда Самарқанд вилоятида саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати 105,0 фоизни ташкил қилишига кўмаклашди.

Самарқанд вилоятида 2018 йилда ишлаб чиқарилган истеъмол товарларининг ҳажми 7348,3 млрд. сўмни ташкил этиб, 2017 йилдагига нисбатан 8,5 фоизга ошди²³. Ушбу кўрсаткичнинг бундай ўсишига истеъмол товарларини ишлаб чиқарувчи корхоналарга технологик жиҳозларни харид қилиш ва айлама капитални тўлдириш учун кредитлар бериш орқали ишлаб чиқаришнинг кенгайтирилишини рағбатлантириш ҳисобидан эришилди.

Бундан ташқари, ички талабнинг рағбатлантирилиши ва мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчиларининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши вилоятда 2018 йилда чакана товар айланишининг 11117,0 млрд. сўмга етганини, 2017 йил билан солиштирилганда эса 5,2 фоизга (аҳоли жон бошига бу кўрсаткич 2965,1 минг сўмни, ўсиш эса 3,7 фоизга) ўсишини таъминлади. Товар ва хизматлар ҳажмининг ўсиши, янги ишлаб чиқариш қувватларининг барпо этилиши ва аҳоли бандлиги даражасининг ошиши

²³ Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. 2018 йил январь-декабрь. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Тошкент-2019.

вилоят аҳолиси реал даромадлари барқарор ўсишининг асосий омиллари бўлди.

Кўрсатилган бозор хизматлари алоҳида ўрин тутади. Вилоятимизда 2018 йил якунларига кўра бозор хизматлари кўрсатиш ҳажми 2635,1 млрд. сўмни ташкил этиб, бу кўрсаткич 5,7 фоизга ўсди. Бугунги кунда иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг 50 фоиздан ортиги ушбу тармоқда меҳнат қилмоқда. Ҳар йили яратилаётган янги иш ўринларининг, авваламбор, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун ташкил этилаётган иш ўринларининг учдан бир қисмидан кўпроғи айнан мазкур соҳа ҳиссасига тўғри келмоқда. 2018 йил якунларига кўра республика бўйича кўрсатилган бозор хизматлари кўрсаткичида Самарқанд вилоятининг улуши 6,7 фоизни ташкил этди. Ушбу улуш республикамиз барча вилоятлари ичида энг юқори кўрсаткичлардан бири ҳисобланади, яъни Тошкент вилояти (7,5 %) ва Тошкент шаҳридан кейин (32,9%) учинчи ўринда турибди²⁴.

Қурилиш республикамиз иқтисодиёти учун ҳам, хусусан, Самарқанд вилояти учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. 2018 йилда вилоятимизда амалга оширилган қурилиш ишлари ҳажми 1340,1 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йил билан таққослаганда бу кўрсаткич 25,1 фоизга ошди.


Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ислоҳ қилиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, замонавий юқори самарали агротехнологияларни жорий этиш, деҳқон ва фермер хўжалиқларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирларининг амалга оширилиши қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга кўмаклашди. 2018 йил якунларига кўра фермер хўжалиқларининг қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти таркибидаги улуши бўйича энг юқори кўрсаткич Самарқанд вилоятида (36,1 %) қайд этилди. Жаҳон мамлакатлари ва Ўзбекистон тажрибасига кўра ички ва ташқи ресурсларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш ҳисобидан

²⁴ Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. 2018 йил январь-декабрь. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Тошкент-2019.

эришиладиган юқори инвестицияли фаоллик ҳар қандай давлат барқарор ривожланишининг муҳим шарти ҳисобланади.

Бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётнинг эркинлаштириш шароитида корхоналарда рентабеллик кўрсаткичларининг янги тизимини, уларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари, уларга таъсир этувчи омилларни ўрганиш эвазига ички имкониятларни ахтариб топиш, корхоналар молиявий фаолиятининг самарадорлигини ошириш йўллари ишлаб чиқишдан иборатдир.

Энг аввало, корхона рентабеллигини ифодаловчи кўрсаткичларнинг бозор муносабаларига мос янги тизимини ишлаб чиқиш лозим, бу кўрсаткичларга қуйидагилар киради (3-чизма):



3-чизма. Корхона рентабеллигини ифдаловчи кўрсаткичлар

Бундан ташқари, қайси соҳада нима таҳлил қилинишига қараб рентабеллик кўрсаткичларининг бошқа турларини ҳам аниқлаш мумкин бўлади. Барча кўрсаткичлар рентабеллигини кетма-кет тарзда аниқлаш усулини формулалар орқали “Dastbakor Baraka” МЧЖ молиявий ҳисоботи кўрсаткичлари орқали кўриб ўтишга ҳаракат қиламиз.

Корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти рентабеллигини (Рич) ифдаловчи кўрсаткичларни аниқлаш учун соф фойдани (Сф) маҳсулотнинг (иш, хизматнинг) таннархига (Тн) бўлиш лозим:

$$P_{и\check{c}} = \frac{C\phi}{T_n} * 100 \% = \frac{405847}{4538638} * 100 \% = 8,94 \%$$

Ушбу кўрсаткич корхонанинг 100 сўм ишлаб чиқариш харажатиغا канча фойда тўғри келишини кўрсатади. Бу қилинган харажатнинг қандай самарадорликка эга бўлганлигини ифодалайди. Ушбу кўрсаткич эркин иқтисодий шароитида корхонанинг эгаси, раҳбари, жамоаси ва инвесторлари учун ўта муҳим кўрсаткичдир.

Сотилган маҳсулот рентабеллигини ($P_{см}$) аниқлаш учун соф фойда ($C\phi$)ни сотилган маҳсулот (иш, хизмат)нинг миқдорига бўлиш кифоя:

$$P_{см} = \frac{C\phi}{C_m} * 100\%$$

Ушбу кўрсаткич корхонанинг 100 сўм сотилган маҳсулоти корхонага канча соф фойда келтираётганлигидан далолат беради. Бу кўрсаткич корхонанинг тадбиркорлиги, бозордаги фаоллиги билан бевосита боғлиқдир. Мазкур кўрсаткич режали иқтисодиёт шароитида умумий рентабелликни ифодалаб, ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига нисбатан олинар эди. Эндиликда ишлаб чиқарилган маҳсулот ўзининг баҳоловчи кўрсаткич сифатидаги моҳиятини йўқотади. Энди маҳсулот сотилмаса, ўз харидорини бозордан тополмаса барча меҳнат беҳуда. Шу туфайли бозор муносабатлари шароитида ушбу кўрсаткичнинг аҳамияти катта.

Корхонанинг иқтисодий салоҳияти рентабеллиги ($P_{ис}$)ни аниқлаш учун корхонанинг соф фойдасини унинг иқтисодий салоҳияти ўртача қийматиغا бўлинади:

$$P_{ис} = \frac{C\phi}{Ис} * 100\%$$

Мазкур кўрсаткич корхонанинг 100 сўм иқтисодий салоҳиятига неча сўм соф фойда келтириляётганлигини кўрсатади. Агар корхонанинг иқтисодий салоҳияти таркибини келтирадиган бўлсак, у қуйидаги ҳолатга эга бўлади:

$$P_{ис} = \frac{C\phi}{Aв + A_{йм} + Hа + Mс} * 100\%$$

Бу ерда: Ав – асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати;

Айм – айланма маблағларнинг ўртача йиллик қиймати;

На – номоддий активларнинг ўртача йиллик қиймати;

Мс – меҳнат салоҳиятининг ўртача йиллик қиймати.

Корхона асосий воситалари рентабеллиги (Рав)ни аниқлаш учун соф фойдани асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати (Ав)га бўлиш кифоя:

$$P_{ав} = \frac{Cф}{Ав} * 100\%$$

“Dastbakor Baraka”МЧЖ молиявий ҳисоботидан келиб чиқиб аниқласак, ушбу кўрсаткич куйидагига тенг:

$$P_{ав} = \frac{Cф}{Ав} * 100\% = \frac{405847}{\frac{(1908465+1750545)}{2}} * 100\% = 22,18\%$$

Ушбу кўрсаткич корхонанинг 100 сўм асосий воситаларига қанча соф фойда тўғри келишини ифодалайди.

Корхона айланма маблағлари рентабеллиги (Рам)ни аниқлаш учун соф фойда (Сф)ни айланма маблағларнинг ўртача йиллик қиймати (Айм)га бўлинади:

$$P_{ам} = \frac{Cф}{Айм} * 100\% = \frac{405847}{\frac{(2320836+2438718)}{2}} * 100\% = 17,05\%$$

Корхона номоддий активлари рентабеллиги (Рна) ҳам бозор муносабатлари шароитида иқтисодий таҳлил ўрганиладиган кўрсаткичлар таркибига киритилди. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун соф фойдани номоддий активларнинг ўртача йиллик қиймати (На)га бўлиб аниқланади.

$$P_{на} = \frac{Cф}{На} * 100\%$$

Ушбу кўрсаткич корхонанинг 100 сўмлик номоддий активига қанча соф фойда тўғри келишини ифодалайди. Ушбу кўрсаткич корхона миқёсидаги қатор йилларга аниқлаб номоддий активлар ва фойда суммаларининг ўзгариш суръатларини, уларнинг бир-бирига мувофиқлигини аниқлаш учун қўллаш мумкин. “Dastbakor Baraka”МЧЖ бухгалтерия балансидан кўришиб турибдики, жамиятда номоддий активлар мавжуд эмас. Ушбу кўрсаткич корхона миқёсидаги қатор йилларга аниқлаб номоддий

активлар ва фойда суммаларининг ўзгариш суръатларини, уларнинг бири-бирига мувофиқлигини аниқлаш учун қўллаш мумкин.

Корхонанинг меҳнат салоҳияти рентабеллиги (R_{mc})ни аниқлаш учун соф фойдани меҳнат салоҳиятининг ўртача йиллик қиймати (M_c)га бўлиш лозим:

$$R_{mc} = \frac{C_{\phi}}{M_c} * 100\% \quad \text{ёки} \quad R_{mc} = \frac{C_{\phi}}{X_c} * 100\%$$

Ушбу кўрсаткич корхонанинг 100 сўм меҳнат салоҳияти қиймати ёки битта ходимга қанча соф фойда тўғри келишини кўрсатади. Бу кўрсаткич ҳам корхонада меҳнат самарадорлиги таҳлил қилинганда кенг қўлланилади.

Корхона молиявий рентабеллиги (R_{soc}) 100 сўм молиявий салоҳиятнинг ўртача йиллик қийматига тўғри келадиган соф фойда миқдорини ифодалайди. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун соф фойдани корхона молиявий салоҳияти ўртача йиллик қиймати (M_{oc})га бўлинади:

$$R_{soc} = \frac{C_{\phi}}{M_{oc}} * 100\%$$

Ушбу кўрсаткич ҳам бозор муносабатлари шароитида муҳим аҳамиятга эга, чунки корхонанинг молиявий манбалари учун энди бевосита корхона эгаси, инвестори масъул. Ундан қанча самарали фойдаланилса, улар учун шунча яхши.

Корхона ўз маблағлари рентабеллиги ($R_{\dot{m}}$) молиявий салоҳият рентабеллиги сингари соф фойдани ўз маблағлари ўртача йиллик қиймати (\dot{M})га бўлиш йўли билан аниқланади:

$$R_{\dot{m}} = \frac{C_{\phi}}{\dot{M}} * 100\% = \frac{405847}{\frac{1193320+1599167}{2}} * 100\% = 29,07 \%$$

Ушбу кўрсаткич корхонанинг 100 сўм ўз маблағига қанча соф фойда тўғри келишини ифодалайди. Бу ўз капиталининг самарадорлик даражасини белгилайди.

Корхонанинг четдан жалб қилган маблағлари, рентабеллиги ($R_{чжм}$)ни аниқлаш учун соф фойдани четдан жалб қилинган маблағларнинг ўртача йиллик қиймати ($Чжм$)га бўлинади:

$$P_{\text{ЧЖМ}} = \frac{C_{\text{Ф}}}{\text{ЧЖМ}} * 100\% = \frac{405847}{\frac{1967087+1488610}{2}} * 100\% = 23,49 \%$$

Ушбу кўрсаткич “Dastbakor Baraka” МЧЖнинг олган узоқ ва қисқа муддатли кредитлар ҳамда бошқа четдан жалб қилинган маблағларининг самарадорлигини ифодалайди. Унинг миқдори 100 сўм четдан жалб қилинган маблағга тўғри келадиган соф фойда миқдорини кўрсатади.

Корхонанинг ишлаб чиқариш фондлари рентабеллиги (Риф) бу асосий ва айланма маблағлар, яъни моддий ресурслар самарадорлигини ифодалайди. Уни аниқлаш учун соф фойдани асосий воситалар (Ав) ва айланма маблағлар (Айм) ўртача қиймати йиғиндисига бўлинади:

$$P_{\text{Риф}} = \frac{C_{\text{Ф}}}{A_{\text{В}}+A_{\text{Айм}}} * 100\% = \frac{405847}{1829505+2379777} * 100\% = 9,64 \%$$

Ушбу кўрсаткич 100 сўм активлар қийматига тўғри келадиган соф фойда миқдорини ифодалайди. Бу кўрсаткичдан бозор муносабатлари шароитида корхоналар молиявий барқарор фаолияти самарадорлигини баҳолашда кенг қўлланилиши мақсадга мувофиқдир.

2.2. Корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таъминлашда ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларнинг таъсири

Ўзбекистонда фаол инвестиция сиёсати амалга оширилаётганлиги унинг иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, стратегик инвестиция лойиҳаларини жадал амалга ошириш ва янги ишлаб чиқариш объектларини барпо этишга йўналтирилганлигидан далолат беради. Буларнинг барчаси республикамиз ва унинг вилоятлари иқтисодиётига киритилган инвестициялар ҳажмининг ҳар йиллик ўсишини таъминламоқда. 2018 йилда республикада асосий капиталга инвестициялар 107333,0 млрд. сўмни ташкил этиб, ўсиш суръати 118,1 фоизни ташкил этди. Бу даврда Самарқанд вилоятида асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмининг ўсиш суръати 19,2 фоизни ташкил этди. Аҳоли жон бошига асосий капиталга инвестициялар вилоятимизда ўтган йили 1528,7 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан ўсиш кўрсаткичи 16,9 фоизни ташкил этди.

Ўзбекистонда истиқомат қилаётган бир кишига ҳисобланганда иқтисодий ўсиш кўрсаткичларининг динамик ўзгариши, мамлакатда изчил амалга оширилаётган ижтимоий йўналтирилган иқтисодий ислохотларнинг натижавийлигидан яққол далолат бериб турибди. 2018 йилда Самарқанд вилояти аҳолиси жон бошига тўғри келадиган ЯҲМ 8295,8 минг сўмни ташкил этди, ўтган йилга нисбатан ушбу кўрсаткич 97,3 фоизга пасайган.

Меҳнатга лаёқатли аҳоли, айниқса ёшларнинг бандлиги минтақалар учун катта ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга. Самарқанд вилоятида ушбу йўналишда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва ишсизлик даражасини пасайтириш борасида кенг кўламли тадбирлар олиб борилмоқда. Вилоятда янги иш ўринлари яратилмоқда, янги корхоналар ишга туширилмоқда, ишлаб турган қувватлар кенгайтирилиб, реконструкция қилинмоқда.

Рўйхатдан ўтган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий улуши Тошкент шаҳри (71,3 минг), Тошкент (35,4 минг), Самарқанд (26,3 минг),

Фарғона (29,5 минг) вилоятларига, энг камлари Сирдарё (11,1 минг), Навоий (11,3 минг) ҳамда Хоразм (15,8 минг) вилоятлари ҳиссаларига тўғри келади.

Ҳудудлар кесимида фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг сони энг кўпи Тошкент шаҳри (69 236 та), Тошкент (31 030 та), Фарғона (29 128 та), Андижон (27 391 та) ва Самарқанд (25 066 та) вилоятарида кузатиш мумкин (2-жадвал).

2-жадвал

Рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши, минг бирликда (фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)

	01.01.2018		01.01.2019	
	Умумий сони	Жамига нисбатан %да	Умумий сони	Жамига нисбатан %да
Ўзбекистон Республикаси	300,2	100	339,0	100
Самарқанд	22,5	7,5	26,3	7,8

Бугунги кунда Самарқанд вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун устувор вазифалар сифатида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технблогик қайта жиҳозлаш, инвестиция жараёнларини кучайтириш, экспорт салоҳиятини кенгайтириш қабилар қайд этилади. Бунда иқтисодиёт учун асосий вазифалар кўпроқ саноатнинг алоҳида тармоқларини жадал ривожлантириш ва улар корхоналарининг самарали ҳамда барқарор фаолиятини таъминлаш орқали ҳал этилиши минтақанинг саноат салоҳиятини ошишига хизмат қилади.

Саноат корхоналарининг барқарор молиявий фаолияти кўп жиҳатдан республикада яратилган иқтисодий шароитлар ва улар фаолиятининг самарадорлиги омиллари билан белгиланади. Бироқ рақобатнинг кучайиши ва мамлакатимиз корхоналари учун хўжалик юритиш шартларининг қатъийлаштирилиши ҳам ички, ҳам ташқи бозорларда уларга нисбатан

алоҳида талабларни кўймоқда. Самарали фаолият юритувчи тижорат корхонасигина бозор рақобати шароитида омон қолиш ва ривожланишга қодир. Фаолиятнинг яқиний молиявий натижаси самарадорликни баҳоловчи асосий кўрсаткич ҳисобланади.

Ўтган 2018 йилда минтақавий аҳамиятдаги паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, ишлаб чиқариш қувватларини иш билан банд қилиш даражасини ошириш ва улардан самарали фойдаланиш, мавжуд иш ўринларини сақлаб қолиш ва янги иш ўринлари барпо этиш чора-тадбирларининг амалга оширилишини белгилаб берган ҳукумат қарорларининг қабул қилиниши билан аҳамиятли бўлди. Ана шундай ҳужжатлардан бири Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Минтақавий аҳамиятдаги паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш - «йўл харитаси» дастурларини амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридир. Республикаимизнинг 9 та минтақасида 41 та корхонанинг молиявий-иқтисодий аҳволи ўрганиб чиқилди, шунинг 3 тасини тугатиш таклиф этилди. Қолган 38 та корхона учун 2017 йилга мўлжалланган ушбу корхоналарни молиявий соғломлаштиришни назарда тутувчи дастурлар – “йўл хариталари” ишлаб чиқилди. Самарқанд вилоятида 10 та ана шундай “йўл харитаси” амалга оширилмоқда.

Дастурга мувофиқ 59,18 млрд. сўм ушбу корхоналарнинг айланма маблағларини тўлдириш учун йўналтирилади, шунинг 51,78 млрд. сўмини корхоналарнинг ўз маблағлар ва 7,4 млрд. сўмини банклар кредитлари ташкил қилади. “Йўл хариталари”га мувофиқ мазкур корхоналар 2017 йил якунларига кўра 295,888 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди (хизматлар кўрсатди) ва 10,42 млрд. сўм миқдорида фойдага эга бўлди.

Бугунги кунда Ўзбекистон ҳукумати ва масъул давлат тузилмалари томонидан бўш турган ер майдонларидан самарали фойдаланиш чоралари кўрилмоқда. Ушбу чора-тадбирлар ортиқча ер участкаларининг жойлардаги

давлат ҳокимияти органлари захира фондига олиб қўйилиши ҳамда кичик саноат зоналарининг ташкил этилишини назарда тутди.

Таҳлил жараёнида маълум иқтисодий категорияларни ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш ўта муҳим. Лекин уларнинг ўзгаришини, айниқса шу ўзгаришларга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларнинг таъсирини ҳисоблаш таҳлилнинг энг муҳим воситасидир. Шу туфайли рентабелликни ифодаловчи ҳар бир кўрсаткични алоҳида таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Мазкур ишда методологик асос сифатида уларнинг айримларинигина тўхталишни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Чунки ушбу кўрсаткичлар таҳлилининг усуллари бошқа кўрсаткичларни ҳам шундай таҳлил қилиш учун методологик асос бўлади.

“Dastbakor Baraka” МЧЖнинг молиявий натижаларини ифодаловчи умумлашган рентабеллик кўрсаткичлари сифатида корхонанинг маҳсулот (иш, хизмат) рентабеллигини олиш мумкин. Методологик асос сифатида унинг омилли таҳлилинини кўриб чиқамиз.

“Dastbakor Baraka” МЧЖнинг молиявий натижаларини ифодаловчи умумлашган рентабеллик кўрсаткичга маҳсулот (иш, хизмат) рентабеллигини киритиш мумкинлигини юқорида таъкидладик. Мазкур кўрсаткични аниқлаш учун соф фойданинг сотишдан олинган соф тушумга нисбати орқали куйидаги формуладан фойдаланиб аниқлаш мумкин:


$$P_{CT} = \frac{C\Phi}{C_T} * 100\% = \frac{405847}{5208407} * 100\% = 7,79 \%$$

Бу ерда P_{CT} – маҳсулот (иш, хизмат) рентабеллиги.

Ушбу кўрсаткичга бир қанча омиллар таъсир қилади. Булар жумласига куйидагиларни киритиш мумкин:

- соф фойданинг ялпи фойдадаги ҳиссаси (Cф/Яф);
- ялпи фойданинг сотилган маҳсулотдан олинган ялпи молиявий натижалардаги ҳиссаси (Яф/Ямн);

- ялпи молиявий натижанинг соф тушумдаги хиссаси (Ямн/Ст). Улар ўртасидаги боғлиқлик қуйидаги чизмада акс эттирилган (4-чизма).



4-чизма. Маҳсулот (иш, хизмат)ларга таъсир кўрсатувчи омиллар

Ушбу омилларни натижа билан боғлайдиган бўлсак, қуйидаги формулага эга бўлиш мумкин:

$$P_{CT} = \frac{C\phi}{Y\phi} * \frac{Y\phi}{Y_{MN}} * \frac{Y_{MN}}{C\tau}$$

Уларнинг қисқартирилган математик модели натижани “Y”, омилларни “Xi” деб қабул қилиш мумкин:

$$Y = X1 * X2 * X3, \prod_{i=1}^3 Xi \quad (i=1,3)$$

Ушбу формуладаги кўрсаткичларни ҳисоб-китоб натижасида аниқлаб, омилли таҳлил учун қуйидаги жадвални тузиш тавсия қилинади (3-жадвал).

**“Dastbakor Baraka” МЧЖда молиявий натижалар умумлашган
кўрсаткичга таъсир қилувчи омиллар ҳисоб-китоби**

№	Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Занжирли алмаштиришлар	
				I	II
1	Соф фойданинг ялпи фойдадаги улуши, % (8к:7к*100)	0,05	54,7	54,7	54,7
2	Ялпи фойданинг сотилган маҳсулотдан олинган ялпи молиявий натижаларидаги ҳиссаси (7к:3к)	0,586	0,140	0,586	0,140
3	Ялпи молиявий натижанинг сотилган соф маҳсулотдаги ҳиссаси (3к:2к)	0,218	0,271	0,218	0,218
4	Маҳсулот рентабеллиги, % (1к*2к*3к)	0,006	2,075	6,988	1,669

Ушбу жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, маҳсулот рентабеллиги кўрсаткичининг 2,069% (2,075-0,006)га ошганлигига қуйидаги омиллар таъсир қилган:

Биринчидан, соф фойданинг ялпи фойдадаги улуши катта миқдорда, яъни 6,982%га ўзгарган. Бу натижа ўзгаришига таъсир қилган.

$$6,988-0,006 = 6,982$$

Иккинчидан, ялпи фойданинг сотилган маҳсулотдан олинган ялпи молиявий натижалардаги ҳиссаси 0,446га (0,586-0,140) га камайганлиги натижани 5,319 га камайишига олиб келган.

$$1,669-6,988 = -5,319$$

Учинчидан, ялпи молиявий натижанинг сотилган соф маҳсулотдаги ҳиссаси 0,053 (0,271-0,218)га кўпайганлиги рентабелликни 2,069%га оширган:

$$2,075-0,006 = 2,069$$

Аммо шуни алоҳида таъкидлаш керакки, рентабелликнинг ошишига асосий таъсир кўрсатувчи омил соф фойданинг ялпи фойдадаги улуши ҳисобланади. бу эса бевосита корхонада 2018 йилда соф фойдасининг катта миқдорда ўсиши билан кузатилган.

Барча омиллар таъсири натижасининг умумий фарқини аниқласак, ушбу кўрсаткич қуйидагига тенг:

$$6,982-5,319+2,069 = 3,732$$

Биз магистрлик диссертациясида молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлилининг айримларига тўхталиб ўтдик. Аммо ушбу таҳлил усуллари бошқа кўрсаткичларни ҳам таҳлил қилиш учун методологик асос бўлиши мумкин.

2.3. “Dastbakor Baraka” МЧЖни молиявий жихатдан қўллаб-қувватлаш орқали молиявий барқарорлигини таъминлаш

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштириш ва уларга қулай муҳит яратишнинг бош мезони тадбиркорларнинг молиявий жихатдан қай даражада барқарорлиги билан баҳоланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантириш асосида мулкдорлар синфини шакллантириш, тегишли институтлар тизимини ташкил этиш, кичик ва хусусий тадбиркорлик фаолияти соҳасига кредит ресурсларини кенг жалб қилиш ва хорижий сармояларни бевосита олиб кириш учун мақбул шароит яратиш лозимлиги айтиб ўтилди.

“Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” Давлат дастурида белгилаб берилган вазифаларнинг изчил ижроси тадбиркорнинг, шу жумладан “Dastbakor Baraka” МЧЖнинг инвестициявий лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилишини таъминлашга хизмат қилмоқда. Масалан, жорий йилнинг биринчи чорагида соҳага тижорат банклари томонидан йўналтирилган кредит маблағлари ҳажми 86,5 млн. сўмни ташкил этди. Шундан 15,9 млн. сўми микрокредитлар бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,2 баравар кўп бўлганлигидан далолат беради.

Бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари ҳисобидан дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантиришга кредитлар қайтариш муддатини узайтириш ҳуқуқсиз 3 йилгача бўлган муддатга берилди.

Дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантириш учун берилган микрокредитлар бўйича фоизлар ушбу кредитлар берилган кундан бошлаб ҳисобланади ва 12 ой муддат ўтгач ундирилиши кўзда тутилган.

Бугунги кунда бизнесини бошламоқчи бўлган ҳар қандай тадбиркор бошланғич капиталсиз ўз бизнесини йўлга қўя олмаслигини жуда яхши тушунади. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун турли хил

молиявий ташкилотлар, банклар, кредит уюшмалари томонидан кредитлар берилишининг ҳуқуқий асослари турли қонунлар ва қонуности ҳужжатлари асосида тартибга солиб келинмоқда.

Кичик корхоналар иқтисодиётнинг кўп тармоқларида фаолият юритиб, аҳолининг барча эҳтиёжларини қондиришга хизмат кўрсатувчи асосий тадбиркорлик субъектларига айланиб боришмоқда.

Ўзбекистон Республикасида 2021 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни мамлакатимизни 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясидан келиб чиқиб, амалга ошириш натижасида 2019 йилда аҳолига кўрсатилган пулли хизматлар ҳажми 9,1 фоиз ўсганлиги, республикада ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулотнинг фоизи хизмат кўрсатиш соҳасига тўғри келганлиги, бу эса дастурда белгиланган прогноз кўрсаткичларидан анча кўп эканлиги таъкидланди. Хизматларнинг замонавий илғор турлари – телекоммуникация хизматлари, уяли телефон алоқаси, молия-банк хизматлари ва суғурта, сайёҳлик-экскурсия ва бошқалар жадал суръатда ривожланаётганлиги, 2019 йилда хизматлар кўрсатиш соҳасида 61 мингга яқин янги иш ўрни ташкил этилганлиги ҳам муҳимдир.

Шу билан бир қаторда айни пайтда мавжуд салоҳият ҳамда хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал суръатларда ривожлантириш имкониятлари ҳали тўлиқ ишга солинмаганлиги, мамлакат ҳудудлари бўйича олганда аҳолига хизмат кўрсатиш даражасини ва сифатида сезиларли фарқ борлиги ҳамда қишлоқ аҳолисига хизматлар кўрсатиш тизими ҳам ўсиб бораётган талабларга жавоб бера олмай қолаётганлиги ҳам таъкидлаб ўтилди.

Кичик тадбиркорлик субъектларига у ташкил этилиши муносабати билан бошланғич капитал сифатида банклардан ва давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, уларга паст фоизларда кредитлар берилиши тартиблари ишлаб чиқилиши лозим. Бундан ташқари кичик корхоналарга кредит берилишини умумий тартибга солувчи норматив ҳужжат (қонун ёки низом шаклидаги) қабул қилиниши лозим. Унда кичик тадбиркорлик субъектлари

томонидан кредитларни олиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар иложи борича камайтирилишига эришиш ва гаров сифатида қўйилиши мумкин бўлган мол-мулкларнинг турлари ҳам аниқ белгилаб берилиши лозим.

Ўзбекистон давлатининг ижро этувчи органлари бозор муносабатларини шакллантириш мақсадида бениҳоя катта ишларни амалга оширмоқда. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, тадбиркорлик фаолиятининг кенг кўламда ривожлантириш борасида муттасил равишда ва ўз вақтида кетма-кет қонун ости ҳужжатларини қабул қилишда давом этмоқда.

Юқоридагилардан шуни алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар жараёнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш фаолияти билан шуғулланувчилар устувор мавқега эга бўлиб, мамлакат иқтисодиётининг молиявий барқарор фаолият юритишини таъминлашда, янги иш жойларини шакллантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда пировард натижада аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини оширишда уларнинг роли жуда юқоридир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки кунлариданок мамлакатимизда иқтисодиётнинг ғоят муҳим соҳаси бўлмиш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни рағбатлантириш тизимини яратишга, ушбу соҳани тартибга солиш ва янада кўллаб-қувватлашнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга жуда катта эътибор бериб келинмоқда. Бугунги кунда республикамизда хусусий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва юритиш бўйича қулай шарт-шароитлар ва ҳуқуқий кафолатлар яратилган, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар учун алоҳида имтиёзлар ва преференциялар жорий этилган.

Бозор иқтисодиёти шароитларида “Dastbakor Baraka” МЧЖнинг айланма маблағларга етарли тарзда эга бўлиши уларнинг нормал фаолият юритиши гарови ҳисобланади. Шуни ҳам унутмаслик керакки, ишлаб чиқараётган маҳсулот бирлигига сарфланувчи хомашё, материал, ёқилғи ва

энергия миқдори маҳсулот сифатига таъсир кўрсатмаган ҳолда қанчалик кам бўлса, маҳсулот шунчалик арзонлашади ҳамда айланма маблағлар камроқ сарфланиб, улардан фойдаланиш самарадорлиги юқори бўлади.

Бугунги кунда “Dastbakor Baraka” МЧЖнинг молиявий барқарорлиги ҳақида сўз юритар эканмиз, шуни тан олишимиз керакки, бу йўналишда эскидан қолган ва ҳали-бери рўй бериб келаётган оқсоқлик ҳолатлари борлиги, биринчи навбатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг материал ва энергия сарфи юқори даражада сақланиб қолаётгани аён бўлади. Аввало, биз табиат томонидан берилган ноёб, қайта тикланмайдиган захиралар бўлмиш нефть, газ конденсати, табиий газ ва бошқа ёқилғи-энергетика ресурсларидан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланишни ҳамон ўрганганимиз йўқ. Бу ресурсларнинг катта қисмидан кўпроқ ёқилғи сифатида фойдаланяпмиз. Бу эса харажатларнинг ошишига сабаб бўлмоқда.

Бундан келиб чиқадики, деярли барча ресурслар тақчиллиги шароитларида айланма маблағлар, биринчи ўринда моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни шакллантириш захираларини излаб топиш ҳар бир корхона олдида турган муҳим вазифа ҳисобланади.

“Dastbakor Baraka” МЧЖ ресурслардан самарали фойдаланишнинг техник-ишлаб чиқариш йўналишлари қаторига, бирламчи хомашёни ишлаб чиқаришда фойдаланишга сифатли равишда тайёрлаш, машина ва ускуналар конструкциясини такомиллаштириш, хомашё, материал, ёқилғиларнинг тежамкор турларидан фойдаланиш, ишлаб чиқариш чиқитларини камайтирувчи ҳамда иккиламчи ресурслардан максимал даражада фойдаланиш ва барча турдаги йўқотишларнинг олдини олишни таъминловчи янги техника ва технологияларни жорий қилишни киритиш мумкин.

Ҳозирда “Dastbakor Baraka” МЧЖда молиявий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий йўналишлари қаторига, маҳсулотлар материал сифимини режалаштириш ва меъёрлаштиришнинг илмий даражасини ошириш, ресурсларни сарфлашнинг техник жиҳатдан асослаб берилган норма ва нормативларини ишлаб чиқиш, меҳнатни ташкил

килишнинг самарали усулларини рағбатлантириш билан боғлиқ бўлган чоратадбирлар киритилади.

Иш жойларида (ишлаб чиқариш участкаларида) бирлик хомашё ва материаллардан тайёрланувчи якуний маҳсулотларни кўпайтириш лозим.

Бугунги кунда “Dastbakor Baraka” МЧЖда айланма маблағларда, айниқса, унинг моддий-товар бойликларида банд бўлган миқдордаги пул маблағлари уларнинг тўлиқ сақланишига эътибор қаратиш, улардан мақсадларга мувофиқ ва самарали фойдаланиш, шунингдек, уларнинг айланишини тезлаштиришни талаб қилади. “Dastbakor Baraka” МЧЖ олдида кўйилган вазифаларни бажариш қуйидагиларни амалга оширишни талаб қилади:

- фан-техника тараққиёти ютуқларини кенг қўллаш;
- ишлаб чиқаришнинг барча жараёнларида илмий жиҳатдан асосланган норма ва нормативлар тизимини яратиш;
- корхоналарни узоқ муддатли хўжалик алоқалари юритишга ўтказиш ва кооперация қилишни ривожлантириш;
- маҳсулотлар, молиявий, моддий ва куч-қувват ресурсларининг сифат балансини тузиш;
- бошқариш тизимини ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг оптимал шаклларини қўллаш.

Ҳозирда белгилаб берилган берилган стратегик мақсад ва унга босқичма-босқич эришиш бўйича аниқ ишлаб чиқилган вазифаларнинг изчил амалга оширилиши муваффақиятлар асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Корхоналарининг бош мақсади – кам ресурс сарфлаб, маҳсулот сифатига салбий таъсир кўрсатмасдан, кўп фойда олишдир. Фойда олиш учун аҳамиятли бўлган иқтисодий атамаларни қуйида санаб ўтамиз: нарх, талаб, таклиф, даромад, харажат ва таннарх. Корхона ишлаб чиқарилган маҳсулотни қандай нархда сотилиши, бозордаги талаб ва таклифни ҳамда қанча даромад олинишини олдиндан билмайди. Шунинг учун, фақат маҳсулот таннархи ва харажатларни тўғри бошқариш, режалаштириш,

ортиқча харажатларни камайтириш эвазига даромад ўзгармасдан қолганда ҳам фойдани кўпайтириш имконияти бор.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва харажат элементларини чуқур ўрганиб, ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш бўйича хулоса ва таклиф бериш зарур. Молиявий барқарорликни таъминлаш шароитида корхонанинг рақобатбардошлигини ошириш омилларидан бири бу катъий тежамкорлик, яъни маҳсулот таннархини имкон қадар камайтириш ҳисобига кўпроқ фойда олиш ҳисобланади.

Бу вазифаларни бажариш учун харажатларни молиявий ҳисоб тамойиллари, хусусан, икки ёклама ёзув асосида ҳисобга олиш етарлидир. Бошқарув ҳисобининг энг асосий хусусияти эса унинг маълумотлари бошқарув учун фойдалилигидир. Жумладан, бошқарув ҳисоби харажатлар ҳақида шундай батафсил маълумотларни бериши керакки, токи унинг асосида энг тўғри бошқарув қарорлари қабул қилишнинг имконияти пайдо бўлсин. Бу соҳадаги халқаро тажрибалардан келиб чиққан ҳолда харажатлар ҳисоби ҳақидаги маълумотларни корхона қуйидаги вазифалар асосида шакллантириши керак:

- харажатларни пайдо бўлиш жойлари бўйича ҳисобга олиш;
- харажатлар ҳисобини жавобгар хўжалик марказлари бўйича ташкил этиш;
- харажатларни уларни пайдо бўлган объектлари ёки уларни ташувчилари, яъни алоҳида маҳсулот турлари бўйича жамлаб бериш²⁵.

Бу вазифалар асосий мақсадни бажаришга имкон беради. Масалан, харажатларни пайдо бўлиш жойлари ва жавобгар хўжалик марказлари бўйича ҳисобга олиш энг муҳим бошқарув қарорларини қабул қилишга имкон яратади.

²⁵ Файзиев У.Т. Управленческий учет. Учеб. Пособие. – Т.: Норма, 2010.

III БОБ. ҲОЗИРГИ ШАРОИТДА КОРХОНАЛАРНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ОРҚАЛИ УЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

3.1. Корхонанинг молиявий барқарорлигини мақсадга йўналтириш стратегияси

Корхонанинг молиявий барқарор фаолиятини стратегик бошқаришни тадбиркорлик стилига мақсадли йўналтириш принципи корхоналарда молиявий бошқарувни узиш ёки тадбиркорлик стилига мос стратегик мақсадларни тавсифлайди.

Стратегик молиявий бошқарувнинг ўзиш стили корхона молиявий барқарорлигининг даражасини юқори бўлган ҳолатда қабул қилинадиган молиявий қарорлар муқобилларини минималлаштиришни ўзида акс эттиради ва ривожланиш даражасини сақлаб қолишни ўзида акс эттиради.

Стратегик молиявий бошқарувнинг тадбиркорлик стили асосини молиявий барқарор фаолиятининг барча йўналишлари ва шакллари бўйича самарали бошқарув қарорлари устида фаол ишлаш ташкил этади. Молиявий бошқарувнинг бу стили ташқи омиллар ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда қўйилган стратегик мақсадларга эришиш учун барча йўлларда молиявий барқарор фаолиятларини амалга оширишнинг йўналишлари, шакллари ва методлари доимий трансформацияси билан боғлиқ.

Иқтисодий адабиётда стратегик молиявий бошқарувда молиявий барқарорлигининг ўзиш стили консерватив усул сифатида, шу билан бир вақтда тадбиркорлик стили – агрессив, жадаллик билан ривожланишга йўналтирилган усул сифатида қаралади. Бу бўйича купчилик иқтисодчилар хулосасига кўра стратегик молиявий барқарорликни тадбиркорлик стили янги стратегик бошқарув парадигмаси – стратегик бошқарув билан боғланади.

Корхоналарда истиқболли молиявий ривожланишнинг доминант соҳаларини белгилаш принципи улар молиявий фаолиятининг энг муҳим

йўналишларини белгилаш имконини беради ва уни муваффақиятли амалга оширишнинг бош мақсад, вазифаси узок муддатли истиқболга корхонанинг бозор қиймати доимий ўсиб боришини таъминлаш ҳисобланади.

Рус иқтисодчи олими И.А. Бланкнинг таъкидлашича, корхона молиявий стратегиясини ишлаб чиқишда молиявий фаолиятни ривожлантиришнинг доминант соҳалари сифатида корхона молиявий ресурсларини шакллантириш стратегияси, корхона молиявий ресурсларини тақсимлаш стратегияси, корхона молиявий хавфсизлигини таъминлаш стратегияси, корхона молиявий фаолиятини бошқаришнинг сифатни ошириш стратегияларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир²⁶.

4-жадвал

Корхоналарда истиқболли молиявий ривожланишининг доминант соҳалари тавсифи

№	Корхона умумий молиявий стратегияси доминант соҳалари	Истиқболли молиявий қарорлар ишлаб чиқишнинг бош вазифалари	Стратегик молиявий муаммоларни ҳал қилиш доираси
1.	Корхона молиявий ресурсларини шакллантириш стратегияси	Корхона молиявий ресурсларини унинг стратегик ривожланиш эҳтиёжларига мос равишда шакллантириш имкониятини яратиш	1. Корхона молиявий ресурсларининг ички манбалар ҳисобидан шаклланиш имкониятини ўстириб боришни таъминлаш. 2. Корхоналар зарур “молиявий эгилувчанлик”ни таъминлаш (ташқи молиялаштириш манбаларидан фойдаланиш имконияти мавжудлиги).

²⁶ Бланк И.А. Финансовый менеджмент. К.: Ника-Центр, 2004. – С. 655.

			3. Корхона молиявий ресурслари шаклланиш манбалари таркибини улар қиймат мезонлари бўйича оптималлаштириш
2.	Корхона молиявий ресурсларини тақсимлаш стратегияси	Корхона молиявий ресурслари тақсимланишини улардан фойдаланиш самарадорлиги мезонлари бўйича оптималлаштириш	<p>1. Корхона хўжалик фаолиятининг кўринишлари ва асосий йўналишлари бўйича молиявий ресурсларининг зарур мутаносибликда тақсимланишини таъминлаш.</p> <p>2. Корхонанинг стратегик хўжалик бирликлари бўйича молиявий ресурсларнинг зарур мутаносибликда тақсимланишини таъминлаш.</p> <p>3. Корхонада молиявий ресурслардан фойдаланиш жараёнида уларнинг юқори самарадорлик қайтимини таъминлаш</p>
3.	Корхона молиявий хавфсизлигини таъминлаш стратегияси	Корхонанинг стратегик ривожланиш жараёнида молиявий барқарорликни таъминлаш	<p>1. Корхонанинг доимий тўловга қобилиятлилигини таъминлаш.</p> <p>2. Корхонанинг етарлича молиявий барқарорлигини таъминлаш.</p> <p>3. Корхонада молиявий рискларнинг мумкин бўлган салбий оқибатларини нейтраллаштириш.</p> <p>4. Инқирозли ривожланиш шароитида корхонани молиявий</p>

			соғломлаштиришнинг зарур чора-тадбирларини амалга ошириш.
4.	Корхона молиявий фаолиятини бошқаришнинг сифатни ошириш стратегияси	Стратегик истиқболда корхона молиявий фаолиятини бошқаришнинг сифатни ошириш шарт-шароитлари тизимини шакллантириш	<p>1. Молиявий менежерларнинг юқори даражадаги квалификациясини таъминлаш.</p> <p>2. Корхонани ривожлантириш бўйича муқобил молиявий қарорлар ишлаб чиқишнинг етарлича ахборот базаларини таъминлаш.</p> <p>3. Молиявий фаолиятни бошқаришда замонавий техник воситаларидан, илғор молиявий технологиялар, инструментларни жорий этиш ва самарали фойдаланиш.</p> <p>4. Молиявий фаолиятни бошқаришнинг самарали ташкилий тузилмаларини ишлаб чиқиш.</p> <p>5. Молиявий менежерларнинг юқори даражадаги ташкилий маданиятини таъминлаш.</p>

4-жадвалда келтирилган маълумотлардан келиб чиқиб, таъкидлашимиз мумкинки, корхоналарда молиявий ресурсларни шакллантириш стратегияси корпоратив стратегияни молиявий таъминлашга қаратилади. Молиявий ресурсларини тақсимлаш стратегияси эса бир томондан алоҳида функционал стратегияларни амалга оширишни молиявий таъминлашга қаратилса, бошқа

томондан эса стратегик мақсадларда корхона инвестицион фаолиятини шакллантиришга йўналтирилади.

Корхона молиявий хавфсизлигини таъминлаш стратегияси унинг стратегик ривожланиш жараёнида молиявий барқарорликнинг асосий параметрларини шакллантириш ва қўллаб-қувватлашга йўналтирилади. Ўз навбатида, корхона молиявий фаолияти бошқарувининг сифатни ошириш стратегияси корхоналарда молиявий хизматни шакллантиришга хизмат қилади. Молиявий стратегиянинг мослашувчанлигини таъминлаш принципи корхона молиявий фаолиятининг келгусидаги ривожланиши ҳар доим ҳам ноаниқлик касб этиши билан изоҳланади. Шунинг учун ишлаб чиқилган корхона молиявий стратегиясини уни амалга оширишнинг барча босқичларида ўзгаришсиз кўринишда сақлаш мумкин эмас ёки имкониятига эга эмас. Бундай шароитда молиявий менежерларнинг муқобил стратегик ҳатти-ҳаракатлари асосида ишлаб чиқилган молиявий стратегиянинг юқори даражадаги эгилувчанлиги юзага чиқади.

Стратегик мослашувчанлик молиявий фаолиятни амалга оширишнинг ички ёки ташқи шарт-шароитлари ўзгариши натижасида янги стратегик молиявий қарорларни ишлаб чиқиш ёки тезкор коррективкалар амалга ошириш бўйича корхонанинг реал имкониятларини ўзида акс эттиради. У молиявий фаолиятни ички ташкилий мувофиқлаштириш орқали молиявий ресурсларни бир стратегик хўжалик юритиш зонасидан бошқасига осонлик билан кўчириш (ўтказиш) имкониятини беради.

Стратегик молиявий танловларнинг муқобилини танлаш принципи стратегик молиявий қарорлар асосида молиявий фаолиятни амалга ошириш йўналишлари, шакллари ва методларининг муқобил вариантларини қидириб топиш, умумий молиявий стратегияни шу асосда кўриш учун энг яхшисини танлаш ва уни самарали амалга ошириш механизмини шакллантиришда намоён бўлади. Муқобиллик бутун корхона стратегик бошқарув тизимида муҳим фарқ қилувчи хусусиятлар инобатга олинган бўлади ва стратегик молиявий тўпламнинг барча элементлари – молиявий мақсадлар, молиявий

фаолиятнинг алоҳида кўринишлари, молиявий ресурслар шаклланиш манбалари, молиявий бошқарув стили ва менталитетлари билан боғланган.

Молиявий фаолиятда технологик ривожланиш натижаларидан доимий фойдаланишни таъминлаш принципи молиявий стратегияни шакллантиришда корхонанинг бозордаги рақобат позицияси ўсишини таъминловчи технологик янгиликларни жорий этиш орқали молиявий фаолиятнинг бош механизмларини ишлаб чиқишни англатади. Шунинг учун корхонанинг умумий стратегик ривожланиш мақсадларини амалга ошириш технологик ривожланиш натижаларидан тезкорлик билан фойдаланишга сезиларли даражада боғлиқ бўлиб, технологик ривожланиш натижалари жараёни енгиллаштиради.

Молиявий барқарорликни таъминлашга қаратилган стратегик молиявий қарорлар қабул қилиш жараёнида молиявий рисклар даражасини ҳисобга олиш принципи молиявий стратегияни шакллантириш жараёнида қабул қилинадиган барча асосий молиявий қарорлар амалий жиҳатдан турли даражада молиявий рисклар билан боғланганлигини ҳисобга олишни ўзида акс эттиради. Бу боғлиқликни, биринчи навбатда, молиявий фаолият йўналишлари ва шакллари танлаш, молиявий ресурсларни шакллантириш, молиявий фаолиятни бошқаришнинг янги ташкилий тузилмаларини жорий этишда кўришимиз мумкин. Хусусан, молиявий рискларнинг юқори даражаси фоиз ставкалари тебраниш даври ва инфляциянинг ўсиш даврларида кўтарилади. Молиявий менежерларнинг турли хил менталитетлари билан боғлиқ равишда ҳар бир корхонада молиявий стратегияни ишлаб чиқиш жараёнида молиявий рискларга йўл қўйиш даражасига нисбатан аниқ дифференциал (табақалашган) параметрлар ўрнатилиши лозим. Бунда белгиланадиган параметрлар йўл қўйилаётган рискларнинг юзага чиқиши натижасида кўрилиши мумкин бўлган зарарларни камайтириш мақсадида чора-тадбирларни ўзида мужассам этади.

Молиявий барқарорликни таъминлашга қаратилган молиявий стратегияни амалга ошириш жараёнини молиявий менежерлар профессионал

аппаратига йўналтириш принципи корхона молиявий стратегияси алоҳида параметрларини ишлаб чиқишга, уни амалга оширишга махсус тайёрланган мутахассислар – молиявий менежерлар жалб килиниши лозимлигини англатади. Бундай менежерлар стратегик бошқарувнинг асосий принциплари, молиявий фаолиятнинг алоҳида жиҳатларини бошқариш механизмлари билан таниш бўлишлари, молиявий контроллинг методларини эгаллаган бўлишлари лозим.

3.2. Корхонани молиявий барқарорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни тартибга келтириш йўллари

Корхона молиявий барқарорлигининг умумлашган кўрсаткичига айланма маблағлар билан боғлиқ омиллар таъсири ва уларни ҳисоблаш йўллари методологик асос сифатида кўриб чиқилган. Бу омилларни ҳисоблашда таҳлилда қўлланиладиган индекс усулидан фойдаланилган.

Таъкидланганидек, корхонанинг молиявий барқарорлигини ифодаловчи умумлашган кўрсаткич (Мб) ўз маблағларининг (Ўм) четдан жалб қилинган маблағларга (Чжм) нисбати билан аниқланади. Ушбу кўрсаткични ҳисоблаш учун ушбу формулани тавсия қилиш мумкин:

$$Мб = \frac{Ўм}{Чжм}$$

Ушбу кўрсаткич миқдори 1 га тенг бўлса (Мб=1), корхонанинг ўз маблағлари ва четдан жалб қилинган маблағлари тенглигини ифодалайди. Агар Мб >1 бўлса яхши, унда ўз маблағлари четдан жалб қилинган маблағга нисбатан кўп ва Мб<1 бўлса, унинг тескариси бўлади. Бу ҳол ҳозирги иқтисодиётни либераллаштириш даврида ижобий ҳолат эмас.

Бизнинг кузатувлар кўрсатдики, корхонанинг молиявий барқарорлигини ифодалаш учун ўз маблағининг барча маблағларни ифодаловчи коэффициентдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\text{Молиявий барқарорлик (Мб)} = \frac{\text{Ўз маблағлари (Ўм)}}{\text{Барча маблағлар (Бм)}}$$

Ушбу кўрсаткич барча маблағларда ўз маблағлари манбаи неча фоизни ташкил қилишини ифодалайди. Агар мазкур коэффициентнинг миқдори 0,5

га тенг бўлса, барча маблағларнинг 50% ўз маблағлари эканлигидан далолат беради. Агар $M_b=0,75$ бўлса, ўз маблағларининг ҳиссаси умумий маблағларнинг 75% ни ташкил қилишини кўрсатади. Иқтисодиётнинг бугунги ҳолатида мазкур кўрсаткичнинг миқдори 0,6 бўлиши мақсадга мувофиқ деб топилди.

Агар мазкур кўрсаткич ундан кам бўлса, молиявий барқарорлик аломати мавжудлигидан, агар $M_b>0,6$ бўлса, молиявий барқарорлик умумий тарзда таъминланаётганлигидан далолат беради.

Ушбу ҳолатнинг “Dastbakor Baraka” МЧЖда қай аҳволда эканлигини ўрганиш учун қуйидаги жадвални туздик (5-жадвал).

5-жадвал

“Dastbakor Baraka” МЧЖ молиявий барқарорлигини ифодаловчи умумлашган кўрсаткичнинг 2016-2018 йиллардаги ҳолати, минг сўмда²⁷

№	Кўрсаткичлар	Кўрсаткичлар миқдори йил бошида			2018 йил миқдорининг бошқа йилларга нисбатан фарқи	
		2016	2017	2018	2016 йилга	2017 йилга
1	Корхонанинг ўз маблағлари	1192680	1193320	1599167	+406487	+405847
2	Четдан жалб қилинган маблағлар	1439766	1967087	1488610	+48844	-478477
3	Барча маблағлар	2632446	3160407	3087777	+455331	-72630
4	Молиявий барқарорликнинг умумлашган кўрсаткичи (1қ:3қ)	0,4531	0,3776	0,5179	+0,0648	+0,1403
5	Ўз маблағининг четдан жалб	0,8284	0,6066	1,0742	+0,2458	+0,4676

²⁷ “Dastbakor Baraka” МЧЖ молиявий ҳисоботлари асосида тайёрланди.

	қилинган маблағларга нисбати (1қ:2қ)					
--	--	--	--	--	--	--

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, корхонанинг ўз маблағлари йилдан-йилга ортиб бормоқда. 2018 йилда 2016 йилга нисбатан 406487 минг сўмга ёки 134,1%га кўпайган бўлса, 2017 йилга нисбатан эса ушбу кўрсаткич миқдори, мос равишда, 405847 минг сўмни ва 134,0%ни ташкил қилди. Ушбу ҳолат “Dastbakor Baraka” МЧЖда молиявий барқарорлик даражаси талаб даражасидан бир оз паст. Одатда ушбу кўрсаткичнинг умумлашган миқдори 0,5-0,6 атрофида (яъни 50-60%) бўлиши кўзда тутилган.

Аммо шуни эътироф этиш керакки, четдан жалб қилинган маблағларнинг миқдори ўтган йилда камайган. Ушбу кўрсаткич 2018 йилда 2016 йилга нисбатан 48844 минг сўмга ёки 103,4%га ошган бўлса, 2017 йилга нисбатан эса 478477 минг сўмга ёки 24,3%га камайган. Натижада корхонанинг молиявий барқарорлигини ифодаловчи умумлашган кўрсаткичнинг ҳажми 2016 йилда 0,4531ни, 2017 йилда 0,3776ни ва 2018 йилда 0,5179ни ташкил этган. Ўз маблағининг қарамлик коэффициенти ҳам мос равишда 2016 йилда 0,8284ни, 2017 йилда 0,6066ни ва 2017 йилда эса 1,0742ни ташкил қилган. Бу шуни англатадики, корхонада молиявий аҳвол барқарорлашиш сари яхшиланиб бормоқда.


Таҳлилнинг навбатдаги босқичида ўз маблағлари ва четдан жалб қилинган маблағларнинг таркибий ўзгаришини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун эса қуйидаги жадвални тузишни лозим деб билдик (6-жадвал).

**“Dastbakor Baraka” МЧЖ молиявий барқарорлигини ифодаловчи
умумлашган кўрсаткичнинг 2016-2018 йиллардаги ҳолати, фоиз
ҳисобида²⁸**

№	Кўрсаткичлар	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2018 йилнинг фарқи (+,-)	
					2016 йилга нисбатан	2017 йилга нисбатан
1	Корхонанинг ўз маблағлари	45,3	37,8	51,8	+6,5	+14,0
2	Четдан жалб қилинган маблағлар	54,7	62,2	48,2	-6,5	-14,0
3	Барча маблағлар	100,0	100,0	100,0		

Ушбу жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, 2016 йилда корхонанинг ўз маблағлари улуши 45,3 фоизни ташкил қилган (2-диаграмма).


2-диаграмма



²⁸ “Dastbakor Baraka” МЧЖ молиявий ҳисоботлари асосида тайёрланди.

2017 йилда пасайиш кузатилган (37,8%) бўлса (3-диаграмма), 2018 йилда бу кўрсаткич 51,8 фоизга етган. Шунга мос равишда четдан жалб қилинган маблағлар ҳиссаси 2016 йилда 54,7 фоизни, 2017 йилда 62,2 фоизни ва 2018 йилда 48,2 фоизни ташкил этган.

3-диаграмма



2017 йилда четдан жалб қилинган маблағлар улуши катта бўлган. Агар корхонанинг молиявий барқарорлигини тўлиқ таъминлаш учун уни 50 %дан кам миқдорга тушишига эришиш лозим бўлади. 2018 йилда бу кўрсаткич талаб даражасида бўлган, яъни 50 фоиздан кам бўлган (4-диаграмма).

4-диаграмма



Демак, мазкур корхонада молиявий барқарорлик хавфи паст даражада. Агар бирорта иқтисодий зарар рўй берса, корхонанинг банкрот ҳолатга тушиб қолиш эҳтимоли паст.

Жамиятда ханузгача четдан жалб қилинган маблағларнинг улуши катталигича қолмоқда. Жамиятнинг молиявий барқарорлигини тўлик таъминлаш учун уни 50%дан кам микдорга тушишига эришиш лозим. Демак, биз таҳлил қилаётган мазкур жамиятда молиявий барқарорлик хавфи катта. Агар бирорта иқтисодий зарар рўй берса, корхонанинг банкрот ҳолатга тушиб қолиш эҳтимоли катта.

Юқорида таъкидланганидек, таҳлилнинг энг муҳим босқичларидан бири ушбу умумлашган кўрсаткичга таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ҳисобланади.

Олиб борилган тадқиқотларимиз кўрсатдики, мазкур кўрсаткичнинг ўзгаришига бир қанча омиллар таъсир кўрсатади. Уларни иқтисодий мазмуни жиҳатидан қуйидаги беш гуруҳга бўлиш тавсия этилади.

- айланма маблағлар билан боғлиқ омиллар;
- ўз маблағлари билан боғлиқ омиллар;
- асосий воситалар билан боғлиқ омиллар;
- четдан жалб қилинган маблағлар билан боғлиқ омиллар;
- самарадорлик кўрсаткичлари билан боғлиқ омиллар.

Таҳлил жараёнида ҳар бир гуруҳ омиллар туркумига нималар кириши, уларнинг натижа билан боғлиқлигини ифодаловчи формулаларни ишлаб чиқиш ва қўлланилишини асослаш учун унинг амалий йўлларини кўрсатиш лозим бўлади.

3.3. Корхоналарни модернизациялаш орқали уларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш истиқболлари

Республикаимиз мустақилликка эришгандан сўнг, фан ва техникага катта эътибор берилмоқда. Унинг ривожланиши учун давлат томонидан барча шарт-шароитлар яратилган.

“Dastbakor Baraka” МЧЖнинг иқтисодий соҳадаги туб ўзгаришлар, иқтисодий илм-фаннинг ҳам ўзгаришига сабаб бўлди. Бу авваламбор, иқтисодиётимизни марказлашган иқтисодиётга ўтказиш билан боғлиқдир. Режалаштириш, нархни шакллантириш, олди-сотди, ишчиларнинг меҳнат ҳақлари ва бошқа шу каби корхона фаолияти билан боғлиқ бўлган масалалар юқори ташкилотлар томонидан ҳал қилинган.

Бозор муносабатларига ўтилиши билан корхоналарнинг иқтисодий эркинликлари ўз қўлларига ўтиб, ҳисоб ва таҳлил ўзининг ҳақиқий вазифасини бажара бошлади. Шу билан бирга, ушбу соҳага тегишли бўлган фанларда ҳам, ҳисоб ва таҳлилни бозор муносабатларидаги янги кирраларини очиш бўйича талайгина ишлар қилинмоқда.

“Dastbakor Baraka” МЧЖнинг молиявий фаолияти ва молиявий натижаларининг моҳияти ва мазмунига нисбатан ҳисоб ва таҳлил фанларининг янги шароитдан келиб чиққан ҳолдаги ёндашуви ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Бозор иқтисодиётига ўтилиши, Республикаимизнинг иқтисодий ривожланишини кўпгина концепцияларини қайта кўриб чиқиш заруриятини тақозо этди. Бозор механизми иқтисодий субъектлар молиявий фаолиятининг тартибга солинишини, меҳнат, моддий ва молиявий ресурслардан оқилона фойдаланишни, халқ хўжалигининг бир маромийлигини таъминлайди.

“Dastbakor Baraka” МЧЖда ишлаб чиқариш самарадорлигини, маҳсулот ва хизматларнинг рақобатбардошлилигини, илмий-техник тараққиёт ютуқлари, ишлаб чиқаришни бошқариш ва хўжалик юритишнинг

самарали шакллари, хўжасизлик баргараф этилиши ва ишбилармонлик ривожлантирилиши асосида амалга оширилиши талаб қилинади.

Ҳозирги шароитда “Dastbakor Baraka” МЧЖда ўз ишини назорат қилиш ва такомиллаштириш учун, бухгалтерия ҳисоби ва хўжалик фаолияти таҳлилидан фойдаланиш зарурияти ортиб боради.

Иқтисодий таълимотларда, жумладан унинг таркибий қисми бўлган ҳисоб таълимотларида молиявий натижалар доимо долзарб муаммолардан бири бўлиб келган. Ҳозирги бозор муносабатлари шароитида ҳам бу муаммолар долзарблигича қолмоқда.

Иқтисодиётни, шу жумладан уни бошқариш воситаларидан бири бўлган бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилиш, молиявий натижалар ҳисоб тизимига тубдан ўзгартиришлар киритди. Молиявий натижалар категория ва кўрсаткич сифатида янгича мазмунга эга бўлди, уни таснифлашнинг янги белгилари ва асослари вужудга келди. Уларнинг ҳисоб тизими илк бора солиқ тизими билан узвий уйғунлаштирилди.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот бўйича Республикада амалга оширилган ва оширилаётган ислоҳотлар негизи, “Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом”дир. Унинг амалга тадбиқ этилиши билан молиявий натижаларни шакллантиришда, сезиларли ўзгаришлар рўй берди. У 1995 йил 1 январдан амалиётга жорий этилган бўлиб, бундан кўзланган асосий мақсад, Ўзбекистонда ривожланган бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берувчи, маълумотлар инфратузилмасини шакллантириш ҳисобланади.

Бундан ташқари, Молия вазирлигининг 1997 йил 15 январдаги “Корхона (ташкilot)ларнинг йиллик ва чорақлик молиявий ҳисобот шакллари ва ҳажмини тасдиқлаш тўғрисидаги” буйруғига асосан, ўша йилдан эътиборан, барча корхоналар ва ташкilotлар ўз ҳисоботларини янги ҳисобот шакллари асосида тузадиган бўлишди.

Корхона хўжалик фаолиятининг молиявий натижалари, олинган фойда суммаси ва рентабеллик даражаси билан ифодаланади. Шунинг учун, молиявий натижаларнинг бухгалтерия ҳисоби ва таҳлили методлари кўп жихатдан фойда (зарар) ва рентабелликка ҳамда уларни аниқлашнинг амалдаги қонун-қоидаларига боғлиқ.

Корхонанинг ишлаб чиқариш, сотиш, таъминот ва молиявий фаолиятини турли хил томонлари, молиявий натижалар кўрсаткичлари мажмуида ўзининг якуний пулдаги ифодасини топади. Умумлаштириб айтганда, корхонанинг молиявий натижаларини баҳолаш, фойда ва рентабеллик каби, якуний молиявий кўрсаткичлар асосида амалга оширилади.

Фойда ва рентабеллик – муҳим ишлаб чиқариш самара, самарадорлик ва молиявий барқарорлик кўрсаткичларидир.

Бозор иқтисодиётига ўтишда хўжалик фаолияти молиявий натижасининг асосий кўрсаткичларидан бўлган фойда ва рентабелликнинг роли янада ортмоқда. Бунинг натижасида, бозор муносабатларига ўтиш даврида, фойдани шакллантириш ва ундан фойдаланиш, рентабелликнинг қандай кўрсаткичларидан фойдаланиш ва уларни ҳисоблашнинг назарий ва услубий асосларини ўрганиш масалалари янада кўпроқ мунозарали характерга эга бўлмоқда.

Демак, “Dastbakor Baraka” МЧЖ фаолиятининг молиявий натижалари фойда ва рентабеллик экан, уларнинг мазмун ва моҳияти ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтаемиз.

Фойда – корхона фаолиятининг самарасини ифодаловчи кўрсаткичдир. У иқтисодий муносабатларининг муҳим категорияси бўлиб, унга қуйидаги уч функция тегишли:

- биринчидан, корхона молиявий-хўжалик фаолиятининг натижаларини ифодаловчи иқтисодий кўрсаткич;

- иккинчидан, фойдани тақсимлаш ва ишлатиш жараёнида юзага келадиган, тараққий этишга бўлган интилишларни рағбатлантириш функцияси;

- учинчидан, корхона молиявий ресурсларини шакллантиришнинг асосий манбаларидан бири эканлиги.

Фойда - корхонанинг ижтимоий ривожланишини, ишлаб чиқаришни янгилаш ва кенгайтиришнинг, айланма маблағлар ўсишини молиялаштиришнинг асоси ҳамда турли даражадаги бюджетларнинг даромад қисмини шакллантиришнинг энг муҳим манбаси ҳисобланади.

Фойданинг кўп қиррали томонлари ва аҳамияти давлат иқтисодиётининг бозор муносабатларига ўтиши билан ошиб бормокда.

Молиявий натижа кўрсаткичларидан яна бири – рентабеллик ҳисобланади. Рентабеллик, корхона фойдасидан фарқли ўлароқ, ишбилармонлик фаолиятининг самарадорлигини ифодалайди. Рентабеллик – нисбий кўрсаткич бўлиб, корхонанинг даромадлилик даражасини акс эттиради. Бозор иқтисодиётида рентабеллик кўрсаткичларининг системаси мавжуд.

Агар, фойда абсолют суммада ифодаланса, рентабеллик – ишлаб чиқариш интенсивлигининг нисбий кўрсаткичидир. У нисбатан алоҳида олинган базанинг фойдалилик даражасини акс эттиради.

Корхона қачон рентабелли деб ҳисобланади? Агар маҳсулот сотишдан олинган тушум, фақатгина ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини қоплаш учун эмас, балки фойдани ҳам ташкил қилиш учун етарли бўлса.

Бозор муносабатлари шароитида фаолият кўрсатаётган ҳар бир корхонанинг асосий мақсади, ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланган максимал фойда ва юқори рентабелликка эришишдир.

Ҳозирги шароитда рентабелликни оширишнинг муҳим фактори, ресурслардан оқилона фойдаланиб ишлаш ҳисобланади. Бу таннархнинг камайишига ва ўз навбатида, фойданинг ўсишига олиб келади. Гап шундаки, ҳозирги шароитда ресурсларни тежаш ҳисобига ишлаб чиқаришни

ривожлантириш, ресурсларнинг янги жойларини аниқлаш ва ишлаб чиқаришга янги ресурсларни жалб қилишдан кўра, арзонга тушади.

Таннархни камайтириш, ишлаб чиқариш рентабеллилигини ва фойдалилигини оширишнинг асосий шартларидан бири бўлиши керак.

Молиявий натижаларнинг яна бир аҳамиятли томони шундан иборатки, уларни ўрганиш ёрдамида корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятига баҳо берилиши ва бирор хулосага келиниши мумкин. Бу ўз навбатида корхона фаолиятида юзага келган муаммоларни бартараф этишда ва истиқболдаги ривожланиш режаларини тузишга хизмат қилади.

Тадқиқот ишимизда келтирилган маълумотлардан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, вилоятдаги шаҳар ва туманлари корхоналар ривожланиш даражасидаги номутаносиблик жуда катта бўлиб, буларни истиқболда эътиборга олиш, кам ривожланган туманлар бўйича Самарқанд, Жомбой туманларида корхоналарни жадал суръатларда ривожлантиришни имкон қадар ва қишлоқ жойларидаги узилишларни қисқартириш лозим. Чунки, бу кўрсаткич ривожланган давлатларда 2,5-3 бараварни ташкил этади, холос.

Корхонанинг худудий таркибини шакллантириш ва молиявий барқарорлигини қуйидаги йўналишларда ажратиб кўрсатиш мумкин:

- корхоналар кам ривожланган туманларга доимий ва изчил равишда ишлаб чиқаришни жорий этиш;
- кам ривожланган туманларда табиий – иқтисодий, экологик омилларни эътиборга олган ҳолда кичик бизнеснинг тармоқ таркибини сифат жиҳатидан такомиллаштириш;
- маҳаллий минерал, иссиқлик-энергетика ва бошқа ресурслар асосида ишловчи субъектларни шакллантириш;
- тадбиркорлик муносабатлари жуда паст даражада бўлган туманларда саноатлаштиришни кучайтириш;
- истиқболда ушбу номутаносибликларни эътиборга олган ҳолда бизнесни жадал суръатларда ривожлантириш.

Корхоналарни ривожлантиришнинг стратегик йзналишларидан келиб чиққан ҳолда, кичик ва хусусий корхоналарни, микрофирмаларни ташкил этишнинг асосий тамойиллари қуйидагилар бўлиши керак:

- туманларда рационал бандликни таъминлаш, халқ истеъмоли моллари ва хизматлари бозорини ривожлантириш;
- табиий-иқтисодий рационал жойлаштириш ва ихтисослаштириш;
- корхоналарнинг меъёрий даражада фаолият кўрсатиши ва жойлашишининг муҳим шарти туманларда бозор инфратузилмаси ривожланишини жадаллаштириш;
- туманларда, айниқса қишлоқ жойларида саноатлаштиришни кучайтириш.

Ҳисоб-китобларга қараганда, вилоятда кичик бизнесни ривожлантиришнинг мавжуд шарт-шароитларидан тўла фойдаланиш қуйидагиларга имконият туғдиради:

- туманлар манфаатлари ҳисобга олинган ҳолда минтақавий бозорларни ва бозор инфратузилмаси шаклланишини жадаллаштириш;
- молиявий барқарор бўлган корхоналарнинг барча ресурсларидан ва имкониятларидан рационал фойдаланиш;
- кичик бизнес субъектларини ривожлантиришда маҳаллий бошқарув идоралари ва молиявий ресурслар ролини аста-секинлик билан амалга ошириш;
- ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг прогрессив шакллари асосида кичик бизнес субъектларининг иқтисодий самарадорлигини йўлга қўйиш;
- шаҳар ва туманларда кичик бизнесни ривожлантириш мақсадида йирик фирма ва концернлар бўлимларини жойлаштириш;
- кичик бизнес паст ривожланган туманларда рационал бандликни таъминлаш ва янги иш ўринларини очиш;
- жойларда кичик бизнесни жадал ривожлантириш ҳисобига аҳоли даромадларини ривожлантириш ҳисобига “экологик юк”ни пасайтириш;

- кичик бизнес субъектлари тармоқ таркибини халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга йўналтириш ва ҳ.к.

Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кичик бизнесни ривожлантиришнинг Давлат, ҳудудий дастурларини мунтазам равишда ишлаб чиқиш, амалга ошириш ҳамда дастурлар негизида тадбиркорликни ривожлантиришнинг минтақавий хусусиятларини эътиборга олиш зарур. Иқтисодий ислохотларнинг янги босқичида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун реал фаолият кўрсатувчи махсус бозор инфратузилмасини ташкил этиш (савдо уйлари, республика биржаларининг филиаллари, аудиторлик, холдинг, консалтинг, брокерлик фирмалари, суғурта ташкилотлари), фаолият кўрсатаётганларини эса ишини яхшилаш, айниқса қишлоқ жойларига асосий эътиборни қаратиш лозим.

Бундан ташқари Самарқанд вилоятида тадбиркорликни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари қуйидаги соҳалар ҳисобланади:

- қишлоқ хужалиги;
- тўқимачилик саноати;
- маҳаллий халқ ҳунармандчилиги;
- туризм;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, жумладан, терини, пахтани, шолини, сабзаёт ва меваларни, гўштни, сутни қайта ишлаш.

Республикамиз вилоятларида кичик корхоналарни ривожлантиришда ўзига хос хусусиятлардан келиб чиқиб, табақалаштирилган ҳолда ёндашув ва бунда уларнинг оптимал сони ва таркибини албатта эътиборга олиш зарур. Бунинг учун дастлаб мавжуд молиявий потенциали, назарий ва реал ташкил этиш мумкин бўлган кичик корхоналар сони, уларнинг ҳудудлар, тармоқлар ва мулк шакллари бўйича тақсимланиши таҳдил қилинади. Бу таҳлиллар асосида кичик бизнесни тартибга солувчи ваколатли нодавлат идоралари марказлашган тарзда юқоридаги чора-тадбирларни амалга оширишлари

зарур. Бу эса, шаҳар ва қишлоқ жойларидаги ушбу корхоналарнинг ривожланиш даражасидаги номуносибликларни бартараф этиш, уларни фақат шаҳарларда, туман марказларида жамлашувининг олдини олади ва ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларни узвий равишда амалга оширилишини таъминлайди.

Хулоса

Молиявий барқарорлик ва ишлаб чиқилган молиявий стратегиянинг ташкилий тузилма ва ташкилий маданиятга мувофиқлигини таъминлаш принципи корхонани модернизациялашни молиявий стратегияни самарали амалга оширишнинг муҳим шарти сифатида намоён бўлади. Бу соҳада кўзда тутилган стратегик ўзгаришлар молиявий стратегия параметрлари ва уни амалга оширишни таъминлашнинг таркибий қисми бўлиши лозим.

Корхона молиявий барқарорлигини таъминлаш стратегиясини ишлаб чиқиш принципларига тўлиқ амал қилиниши, хусусан, корхона истиқболли молиявий ривожланишининг доминант соҳаларида корхоналар молиявий ресурсларини шакллантириш стратегияси, тақсимлаш стратегияси, молиявий хавфсизлигини таъминлаш стратегияси, молиявий фаолиятини бошқаришнинг сифатни ошириш стратегияси мукамал ишлаб чиқилиши корхоналар фаолияти барқарорлиги ва самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Самарқанд вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, унинг иқтисодий ишлаб чиқариш салоҳиятининг бир жойга тўпланиши ҳамда корхоналарга нисбатан қўлланиладиган инқирозга қарши чоралар таҳлили куйидаги хулосаларга келиш имконини берди.

- Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси доирасида иқтисодиёт секторлари ва корхоналарини қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш стратегиясининг изчил ва самарали амалга оширилиши мамлакат асосий макроиқтисодий кўрсаткичларининг ижобий динамикаси ва чуқур инқирозий ҳолатни четлаб ўтишни таъминлади, республикамизда иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари ҳамда минтақаларни инқироздан кейин янада мутаносиб ривожлантириш учун мустаҳкам асос яратди.

- Самарқанд вилоятида ўтган йилларда 19,1 мингдан ортиқ корхона ва ташкилот рўйхатга олинди. Вилоятда ишлаб турган корхоналар молиявий

натижаларининг таҳлили, 2016-2018 йиллар мобайнида уларнинг фойда даражаси ўсганлигини кўрсатмоқда. Шу билан бирга ушбу давр мобайнида вилоятда зарар кўриб ишлаган минтақа аҳамиятига эга корхоналар сони йилига 9 тадан 12 тагачани ташкил этган. Мамлакатимиз ва хорижий давлатлар тажрибасига кўра, банкрот корхоналарнинг энг катта улушини паст рентабелли ва молиявий беқарор бўлган ҳамда паст рентабеллик билан ишлаб чиқариш ҳажмини асоссиз тарзда оширган корхоналар ташкил этади. Шу билан бир вақтда, қониқарли рентабеллик кўрсаткичларига эга, аммо ликвидли активларнинг сурункали тақчиллигига ёки катта ҳажмдаги кўшимча харажатларга ёки ўта қатъий бошқарув тузилмасига эга корхоналар ҳам банкротликка учраган. Шунингдек, корхоналарда банкротлик ҳолати унинг фаолияти билан боғлиқ ёки бошқа сабабларга кўра (етказиб берувчилар, мижозлар банкротлиги, катта тузилмавий ўзгаришлар) юзага келган.

- Ўзбекистонда шаклланган иқтисодий ночор корхоналарни инвестициялар киритиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, уларни техник ва технологик янгилаш, янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, замонавий бошқарув усулларини жорий этиш, эски иш ўринларини тиклаш ва янги иш ўринлари барпо этиш йўли билан уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини тиклаш орқали молиявий соғломлаштириш механизми катта амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

- Ўтган 2018 йилда корхоналарни молиявий инқироздан ва банкротлик ҳолатидан олиб чиқиш бўйича ҳукумат томонидан қабул қилинган “Йўл хариталари” ҳужжатлари ва уларда белгаланган кўрсатмаларнинг изчил бажарилиши иқтисодий ночор, зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли корхоналарнинг фойдаланилмаётган қувватларини янада оптималлаштириш ва улар самарадорлигини оширишда асосий усул бўлиб хизмат қилади. Шуларни ҳисобга олганда, иқтисодий ночор ва банкротлик ҳолатига тушган корхоналарнинг инқирозга қарши бошқаруви стратегиясида “Йўл

харита”ларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга кенг ўрин ажратилиши лозим.

Бундан ташқари, ҳар бир корхонада модернизациялаш жараёнини жадаллаштириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлар эди:

- ҳар бир корхонада модернизациялаш концепциясини ишлаб чиқиш, унинг ҳуқуқий институционал асосларини такомиллаштириш лозим;

- корхоналарни модернизациялаш жараёнини жадаллаштириш орқали инновацион тараққиёт йўлига ўтиш мақсадга мувофиқ;

- мамлакат иқтисодиётининг барча соҳаларини модернизациялашга доир чора-тадбирларни амалга ошириш;

- корхонада фаолият юритувчи ҳар бир ходимнинг онги ва тафаккурини модернизациялаш (янгилашиши) орқали ҳар бир кишида масъулиятлилиқ ва инноваторлик ҳисларини ривожлантиришга эришиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2014. –74б.
2. “Банкротлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 2003 йил 24 апрель.
3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси. – Т.:Адолат, 2012.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида” 2015 йил 4 мартдаги фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон фармони.
7. Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи, 14 декабр 2016 йил.
8. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак // Халқ сўзи, 2017 йил 16 январ.
9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталарига Мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабрь.
10. Акрамов Э.А. Корхоналар молиявий ҳолатини таҳлили. Ўқув қўлланма.–Т.: Молия. 2003. -158 б.
11. Банкротство: проблемы, нормативные акты, методические материалы и комментарии, разбор практики, ответы на вопросы. // Сборник нормативных актов, с.183.

12. Бланк И.А. Финансовый менеджмент: Учебный курс. – 2-изд., перераб. и доп. – К.: Эльга; Кика-Центр, 2004. – С. 96.
13. Бекмуродов А.Ш., Карриева Я.К., Неъматов И.У., Набиев Д.Х., Каттаев Н.Т. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. Т. Иқтисодиёт, 2010. 23-б.
14. Бушев А.Ю., Макарова О.А., Попондопуло В.Ф. Коммерческое право зарубежных стран. – СПб.: Питер, 2004. – С.23-28.
15. Вахабов А., Иброҳимов А. Хакимов Б. Иқтисодий таҳлил назарияси. Ўқув қўлланма. Т.: ТМИ, 2003. – 176б.,
16. Вахабов А.В. Миллий иқтисодиётни модернизациялаш моделлари ва улардан ўзбекистонда ижодий фойдаланиш йўналишлари. //“Миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялашнинг долзарб масалалари: хориж тажрибаси, муаммолар, истиқболлар” мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Т.: 2012. – Б.5;
17. Вахабов А.В., Разыкова Г.Х. Модернизация экономики / Под ред. д.э.н., проф. А.В.Вахабова – Т.: Иқтисод-Молия, 2014. с. 42.
18. Гурова Т. Нация-предприниматель // Эксперт. – 2010. - №36.
19. Диденко Д.В. Теория модернизации и стратегии трансформации национальной интеллектуалоемкой экономики. //Международная экономика, №11, 2010. С. 45.
20. Иранская модел модернизации // Международная экономика и международные отношения №7, 2008. С. 69-72.
21. Иқтисодиёт тармоқлари ва корхоналарнинг техник модернизация ва диверсификация қилиш даражасини баҳолаш бўйича услубий тавсия. Тавсия Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги (№2-1-7/49, 22.09.2010 й.) ва Давлат статистика қўмитаси (№04-8, 14.09.2010 й.) томондан тасдиқланган.
22. Исхаков А.К. Саноат корхоналари ривожланишида инновацион стратегиянинг роли. Инновация–2015, республика илмий-амалий конференцияси, ТДТУ, Тошкент, 2015.

23. Йўлдошев Н., Юнусов М. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўллари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. №4, май, 2012 йил.

24. Йўлдошев Н., Юнусов М. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўллари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. №4, май, 2012 йил.

25. Зайналов Ж.Р., Алиева С.С., Ахроров З.О. ва бошқ. Корхоналар молияси. Дарслик. – Т.: 2018. – 268 б.

26. Красильщиков В. А. Вдогонку за прошедшим веком: Развитие России в XX веке с точки зрения мировых модернизаций. — М.: Российская политическая энциклопедия (РОССПЭМ), 1998. С. 9-24.;

27. Кругман П., Веллс Р., Олни М. Основы экономикс. Учебник для вузов. Пер. с англ. –СПб.: Питер, 2011. – стр.611.

28. Ляпунов, А.М. Общая задача об устойчивости движения: (Диссертация и статьи) / А.М. Ляпунов. – 2-е изд. / при ред. участии Г. Мюнтц. – Л.; М.: ОНТИ. Гл. ред. общетехн. лит., 1935. – 386 с.

29. Махмудова Г.Н. Иқтисодиётни модернизациялаш моделларининг назарий асосларини такомиллаштириш. / Монография. – Т.: «Iqtisod-moliya», 2016. -192-б.;

30. Махмудова Г.Н. Международный опыт модернизации национальной экономики и пути ее использования в странах Центральной Азии. // «Экономика и предпринимательство», Российский научный журнал, 2016, №2. -С. 406-41.;

31. Мау В. Между модернизацией и застоём: экономическая политика 2012 года. –М.: 2/2013. С. 4-23.;

32. Медоуз Д.Х., Медоуз Д.П., Рондерс Й. За пределами поста. – М.: Наука, 1994. С.304.

33. Наше общее будущее: (Brundtland Report) Доклад международной комиссии по окружающей среде и развитию (МКОСР). Пер. с англ. М.: Прогресс, 1989. 376 с.
34. Нуреев Р.М. Россия: особенности институционального развития. — М.: Норма, 2009. С. 40-109.;
35. Основы региональной экономики. Учебное пособие /А.В. Андреев, Л.М. Борисова, Э.В. Плучевская. – 2-е изд., стер. – М.: КНОРУС, 2016. стр. 310-311.;
36. Пардаев М. ва бошқ. Иқтисодий таҳлил. Ўқув қўлланма. – Т.: Мехнат, 2004. – 556 б.,
37. Пардаев М.Қ., Хасанов Б.А. Молиявий ва бошқарув таҳлили. Ўқув қўлланма. –Т.: Чўлпон. 2012.-237б.
38. Печчеи А. Человеческие качества. М.: Прогресс, 1980. 302с.
39. Промышленность Узбекистана. Статистический сборник. Ташкент: Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике, 2006. –стр. 36.;
40. Промышленность Узбекистана. Статистический сборник. –Ташкент: Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике, 2012. –стр. 34.
41. Раҳимов М.Ю. Молиявий таҳлил. Ўқув қўлланма. –Т.: Молия. 2013.
42. Рахимов М.Ю. “Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолатининг таҳлили”. Ўқув қўлланма. Т. Iqtisod-Moliya , 2015. 392-б.
43. Ростоу В. Стадии экономического роста. — Нью-Йорк: Издательство «Фредерик Прегер», 1961.;
44. Саидова Г. Модернизация, техническое обновление и диверсификация производства, широкое внедрение инновационных технологий – необходимое условие выхода Узбекистана на новые рубежи на мировом рынке /«Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартароф этишининг йўллари ва чоралари» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуманидаги тақдимот материаллари. – Т., ТДИУ, 2009 йил 5 май;

45. Тўхлиев Н.Т. Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш ва диверсификациялашнинг зарурияти ва шарт-шароитлари//“Миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялашнинг долзарб масалалари: хориж тажрибаси, муаммолар, истиқболлар” мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Т.: 2012.
46. Фитуни Л., Абрамова И. Закономерности формирования и смены моделей мирового экономического развития // Мировая экономика и международные отношения № 7, 2012. С.4.
47. Ходиев Б.Ю., Шодмонов Ш.Ш., Гафуров У.В. Мамлакатни жадал ислох этиш ва модернизация қилиш – миллий тараққиётимизнинг мантиқий босқичи. – Т.: ТДИУ, 2008. – 53 б.;
48. Экономика предприятий: Учебник. 5-е изд. / Под. ред. акад. В.М.Семенова. – СПб.: Питер, 2008. – С.176.
49. Юсупова Н. Инвестиционно-инновационная стратегия регионов республики Узбекистан//Иқтисод ва молия. №5, 2010. с.22-28; Чистякова В. Социальные ресурсы модернизации//Экономист. №5, 2010. с.64-72.
50. Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш Стратегиясининг концепцияси. 2018 йил 29 декабрь.
51. Ўлмасов А., Вахабов А. Иқтисодиёт назарияси. –Т.: Шарқ, 2006. – 480 б.,
52. Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик (тўлдирилган ва қайта ишланган нашри). Т. “Iqtisod-moliya”, 2014. 273-б.
53. Ўзбекистон саноати. Статистик тўплам. Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, 2016. 44-б.;
54. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. 2018 йил январь-декабрь. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Тошкент-2019.
55. Malikov T.S. Moliya: o'quv qo'llanma. –Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2018. – 268б.

56. Vahobov A.V., Ishonqulov N.F., Ibrohimov A.T. Moliyaviy va boshqaruv tahlili / Darslik. T. "Iqtisod-Moliya", 2013. 600-b.

57. Gerschenkron A. Continuity in History and other Essays. Cambridge (Mass.): The Belknap Press of Harvard University Press, 1968.;

58. Kuznets S. Modern Economic Growth: Rate, Structure, and Spread. New Heaven - London: Yale University Press, 1966.;

59. May R.M. Models for single populations // Theoretical Ecology: Principles and Applications, 2nd edn., R.M. May ed. – pp. 5-29, - Blackwell Scientific Publications, Oxford 1981.

60. Интернет сайтлари:

<http://www.stat.uz>.

http://www.ng.ru/courier/2010-03-15/10_india.html.

<http://homes.line.ru/work/crisis/bankrot3.htm>.

http://www.ng.ru/courier/2010-03-15/10_india.html.

www.worldbank.com.